

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида

АНВАРБЕКОВ АСҚАРБЕК АБРОРБЕК ЎҒЛИ

**ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ
МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мутахассислик: 5А341205 - “Инвестиция фаолиятини молиялаштириш”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.д., проф. А.С.Жўраев

ТОШКЕНТ - 2011

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ	11
1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат бюджети маблағларининг ўрни ва аҳамияти	11
1.2. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицион лойиҳалар: моҳияти, хусусиятлари, аҳамияти ва роли.....	19
1.3. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда давлат бюджети маблағларининг аҳамияти.....	27
2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ	38
2.1. Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини тайерлаш ва бюджет маблағлари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳолатининг таҳлили.....	38
2.2. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш амалиёти.....	53
2.3. “Уз-информ” инвестиция лойиҳасининг умумий тавсифи ва унинг молиявий-иқтисодий самарадорлиги таҳлили.....	66
3-БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ	72
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР	88
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	91

КИРИШ

Магистрлик диссертация мавзусининг долзарблиги. Ўзбекистон иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестициялар муҳим ўрин эгаллаб, уларнинг самарали ўзлаштирилиши замонавий техника-технологияларни жалб қилиш ва фойдаланишга, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга, бошқарув тажрибаларини ўзлаштиришга, ишлаб чиқаришда интенсив ривожланишни ҳамда меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлашга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб, сифатли маҳсулотлар тайёрлашга ва аҳолининг эҳтиёжларини қондиришга, айрим ижтимоий муаммоларни, масалан, ишсизлик муаммоларини ҳал этишга ва ниҳоят иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга имкон беради. Инвестицияларнинг бу хусусиятлари давлат учун муҳим аҳамият касб этади ва инвестиция лойиҳаларини давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш талабини кун тартибига қўяди.

Ҳозирда “Ўзбек модели” давлат дастурига биноан ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда давлат бош ислоҳотчи бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилган ҳолда мамлакатимизда макродаражадаги инвестициялашнинг давлат иқтисодий механизми бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришда алоҳида ўрин тутмоқда. Маълумки, иқтисодиётнинг устувор тармоқларини модернизациялаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришда давлат бюджети маблағлари салмоқли улушга эга ва доимо давлат эътиборидадир. Бунинг тасдиғи сифатида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек: “Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, уй-жой

қурилишини, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантириш бўйича фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши инвестицияларни ўзлаштириш ҳажмларини 13,6 фоизга ўстириш имконини берди”¹.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ташкил қилинган ва фонди шакллантирилган Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт фонди стратегик аҳамиятга эга бўлган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда муҳим ўрин эгалламоқда. Жумладан, “Тикланиш ва тараққиёт фондининг стратегик муҳим лойиҳаларни мустақил равишда ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан биргаликда молиялаштириш борасидаги роли ортиб бормоқда. 2010 йилда ушбу фонднинг қарийиб 330 миллион доллар миқдоридаги маблағи ўзлаштирилди ва 2009 йилга нисбатан 25,6 фоизга кўпдир. Ўтган даврда фонд маблағлари ҳисобидан 14 та йирик инвестиция лойиҳаси молиялаштирилди. Тикланиш ва тараққиёт фондининг таркибий ўзгаришлардаги роли ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, 2014 йилгача унинг низом жамғармасини икки баробар, яъни 5 миллиард АҚШ доллардан 10 миллиард АҚШ долларга босқичма-босқич кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди”².

Юқоридаги фикрлар, ҳолатлар, шубҳасиз, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестиция лойиҳаларини давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштиришнинг долзарблигини белгилаб беради.

Таъкидлаш жоизки, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари, аввало, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига, хусусан, нефт ва химия саноати, транспорт, энергетика, ерости қазилма бойликларини ишлаб чиқариш, қурилиш,

¹Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. “Халқ сўзи” газетаси, 2011. 22 январь, №10. 1-б.

²Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси: Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. “Халқ сўзи” газетаси, 2011. 22 январь, №10. 2-б.

телекоммуникация тармоқларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уни чуқур қайта ишлашга ҳамда туризм соҳаларини ривожлантиришга қаратилмоқда. Буларнинг барчаси давлат инвестиция дастурида кўзда тутилмоқда.

Инвестиция дастурида таркибий ўзгаришларни, қайта қуришларни кўзда тутувчи устувор соҳалар йўналишлар белгиланганки, уларга маблағлар, инвестициялар жалб қилиш муҳимдир. Демакки, устувор инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда бошқа манбалар тақчиллиги шароитида давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бироқ шундай соҳалар борки, уларга маблағ қўйишдан фойда олиб бўлмайди ва бу соҳалар жамият ҳаёти учун сув ва ҳаводек зарур ҳисобланади. Буни эса давлат ўз зиммасига олади.

Шуни ҳам эътироф этиш керакки, бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитида мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти жараёнида давлатнинг роли борган сари қисқариб боради ва иқтисодий ўсиш асосан нодавлат сектори ҳисобидан олиб борилади. Аммо, мамлакатимиз мустақилликка эришган йилларнинг бошланғич давларида нодавлат секторда инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмлари ҳали шаклланиб улгурмаганлиги ва ушбу механизм амалда самарали ишламаганлиги сабабли инвестицияларни молиялаш, асосан, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилди.

Ҳозирга қадар мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг ривожланиши даврида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан инвестицияларни молиялаштиришнинг улуши секин-аста камайиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Инвестиция дастури доирасида жами капитал қўйилмаларни молиялаштириш таркибида марказлашган инвестицияларнинг улуши 22,6 фоизни, марказлашмаган инвестициялар улуши эса 77,4 фоизни ташкил этиши режалаштирилган¹.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2011йилги Инвестиция

Ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган капитал қўйилмаларнинг ҳолати шуни кўрсатмоқдаки, давлат бюджет маблағлари ҳисобига қурилаётган объектлар учун ўтказилаётган танлов (тендер) савдолари, кўп ҳолатларда, жойларда юзаки равишда ўтказилмоқда. Пудрат ишларининг тендер савдоларида, пудратчининг молиявий аҳволи ва қурилиш ишларидаги малакаси, тажрибаси ноҳолис баҳоланмоқда. Пудрат шартномаларда қурилиш объектининг қиймати “очиқ” нархларда тузилмоқда. Пудрат шартномасини “очиқ” нархларда тузилишидан мақсад, пудратчи томонидан қилинган ҳақиқий харажатларни бюджетдан қоплаб боришни кўзда тутишдир. Чунки, бюджет ҳисобидан қурилаётган объектларда пудратчилар томонидан қилинаётган ҳақиқий харажатлар объектнинг кўзда тутилган шартномавий қийматидан паст бўлган ҳолларда, буюртмачи томонидан қийматлар ўртасидаги фарқлар пудратчига қоплаб берилмаяпти. Натижада, пудратчилар томонидан қурилиш объектларини кам харажат билан қуришга қизиқиши йўқолиб бормоқда. Бу камчиликларнинг барчаси қурилиш объектларида бюджет маблағларидан самарасиз фойдаланилаётганлигини билдиради. Бунинг натижасида, қурилишларнинг Адресли рўйхатида кўзда тутилган объектнинг қиймати йил давомида ўсиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, бюджет маблағлари ҳисобидан йил давомида бир неча маротаба қўшимча лимитлар ажратиш билан Адресли рўйхатларга аниқликлар киритилишига олиб келмоқда. Қолаверса, бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларининг танлови, баҳолаш ишлари ҳам талаб даражасида эмас.

Шунинг учун инвестиция лойиҳаларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштиришдаги муаммоларнинг мавжудлиги иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида инвестиция лойиҳаларини давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатдан

чукур таҳлил қилишнинг зарурлигини тақозо этади ва мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

Магистрлик диссертация мавзусининг ўрганилганлик даражаси.

Инвестициялар, инвестицион фаолият, инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш, инвестиция фаолиятининг молиявий таъминоти бўйича кўплаб хориж олимлари бир қанча илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Булар жумласига Бочаров В.В., Беренц В., Хавранек П.М., Катасонов В.Ю., Морозов Д.С, Петров М.В., Просветов Г.И., Ушаков И.И., Ткаченко И.Ю., Кузнецов Б.Т., Игошин Н.В., Янковский К.П., Мухарь И.Ф. каби иқтисодчи-олимларнинг илмий-тадқиқот ишларини¹ мисол қилиб айтишимиз мумкин. Мазкур масаланинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан ҳам бир қанча илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилди. Улар жумласига И.Каримов, Д.Ғозибеков, А.Вахабов, Ш.Ҳажибакиев, Н.Муминов., Н.Каримов, А.Узоқов, Э.Носиров, Д.Хўжамқулов, Б.Маматов, Ш.Эргашева, Н.Кенжаев каби кўплаб иқтисодчи-олимларнинг илмий ишларини² нисбат бериш мумкин. Улар ўз асарларида мамлакатдаги инвестиция муаммоларини кўриб чиқдилар, аммо ҳозирги даврда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш бўйича бир қанча муаммолар мавжуд ва

¹Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. -М.: Финансы и статистика, 2007. - 160 с.; Беренц В., Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций: Пер. с англ. перераб. и дополн. Изд. - М.: АЗОТ «Интерэксперт», «ИНФРА-М», 1995. -528 с.; Катасонов В. Ю., Морозов Д. С, Петров М.В. Под общей редакцией Катасонова В.Ю. Проектное финансирование: Мировой опыт и перспективы для России. -М.: "Анkil", 2001. - 312 с.; Просветов Г. И. ИНВЕСТИЦИИ: задачи и решения: Учебно-практическое пособие. -М.:«Альфа-Пресс», 2008. - 408 с.; Ушаков И. И. Как привлечь инвестиции -СПб.: Питер, 2006. - 224 с.; Ткаченко И.Ю. Инвестиции : учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / И. Ю. Ткаченко, Н. И. Малых. -М.: Издательский центр «Академия», 2009. - 240 с.; Кузнецов Б.Т. Инвестиции: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по направлению подготовки «Экономика». - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006. - 679 с., Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник для вузов. - М.: Финансы, ЮНИТИ, 2007. - 413 с.; Янковский К. П., Мухарь И. Ф. Организация инвестиционной и инновационной деятельности. -СПб: Питер, 2006. - 448 с.

²Д.Ғ. Ғозибеков. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: Молия, 2003. 332 б.; А.В.Вахабов, Ш.Х.Ҳажибакиев, Н.Ғ.Муминов. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. - Т.: Молия, 2010. 328 б.; Н.Ғ.Каримов. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. - Т.: Фан ва технология, 2007. 240 б.; А.Узоқов, Э.Носиров, Р.Саидов, М.Султанов. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ва уларнинг мониторинги. Ўқув қўлланма. -Т.: «Иқтисод-молия», 2006. 380 б.; А.С.Жураев, Д.Ю.Хўжамқулов, Б.С.Маматов. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Ўқув қўлланма -Т.: Шарқ. 2003. - 256 б.; Ш.Эргашева, А.Узоқов. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. - Т.: «Иқтисод-молия», 2008. - 208 б.; А.Узоқов, Н.Кенжаев. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. -Т: 2007.

уларни молиявий таъминоти етарлича ўрганилмаган. Бу эса мавзунинг танланишига асос бўлади.

Магистрлик диссертация мавзусининг мақсади ва вазифалари. Ишнинг **мақсади** инвестиция лойиҳаларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Мазкур мақсадга эришиш йўлида диссертацияда қуйидаги **вазифаларни** ҳал этиш белгилаб олинди:

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат бюджети маблағларининг ўрни ва аҳамиятини ёритиш, давлат бюджетининг тузилишини, давлат бюджети даромадлари таркибини ўрганиш;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицион лойиҳаларнинг моҳиятини, хусусиятларини, аҳамиятини ва унинг ролини очиқ бериш, қатор иқтисодчи-олимларнинг бу борадаги назарий қарашларини ўрганиш ва мустақил муаллифлик таърифларини шакллантириш;

- инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда давлат бюджети маблағларининг аҳамиятини ёритиб бериш;

- давлат инвестиция дастурини тайерлаш жараёнларини таҳлил қилиш ва бюджет маблағлари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳолатини тадқиқ этиш;

- давлат бюджети маблағлари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш амалиётини таҳлил қилиш, бу борадаги асосий тенденцияларни аниқлаш;

- инвестиция лойиҳаларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Магистрлик диссертация мавзусининг предмети ва объекти. Ўзбекистон Республикасида инвестиция лойиҳаларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш жараёнида содир бўладиган

ташкилий-иқтисодий, молиявий-ҳуқуқий муносабатлар илмий тадқиқотнинг **предмети** ҳисобланади. Тегишли молия-кредит муассасалари орқали инвестиция лойиҳаларини давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириш фаолияти илмий изланишнинг **объекти** ҳисобланади.

Магистрлик диссертация мавзусининг назарий ва услубий асослари. Тадқиқот ишининг назарий манбаи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарлари, инвестиция фаолиятини ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлашга оид Фармонлари, Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Марказий банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда маҳаллий ва хорижий иқтисодчи-олимларнинг асарлари асос қилиб олинди. Шунингдек, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларидан фойдаланилди.

Магистрлик диссертация мавзусининг илмий янгилиги:

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат бюджети маблағларининг аҳамияти ёритилди, давлат бюджетининг тузилиши таснифланди ва давлат бюджети даромадлари таркиби гуруҳлаштирилди;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицион лойиҳаларнинг моҳияти, хусусиятлари, сифат тавсифлари очиб берилди ва мустақил муаллифлик таърифи шакллантирилди;

- инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда давлат бюджети маблағларининг аҳамияти ёритиб берилди ва унинг зарурлиги илмий асосланди;

- давлат инвестиция дастурини тайерлаш жараёнлари, бюджет маблағлари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳолати тадқиқ этилди ва тегишли хулосалар шакллантирилди;

- давлат бюджети маблағлари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш амалиётини таҳлил қилиш натижасида асосий тенденциялар аниқланди;

- инвестиция лойиҳаларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди ва илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Магистрлик диссертация мавзусининг илмий ва амалий аҳамияти.

Магистрлик диссертацияда ёритилган услубий ёндашувлар, ишлаб чиқилган амалий тавсиялар мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириш муаммоларини ҳал этишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқилишида фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, диссертация материалларидан Олий ўқув юртларида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга оид махсус курсларни ўқитишда қўлланилиши мумкин.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва тақлифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Жами 95 бетни ташкил этган магистрлик диссертация ишида 5 та жадвал, 10 та расм келтирилган.

1-БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат бюджети маблағларининг ўрни ва аҳамияти

Иқтисодиётни модернизациялашда давлат бюджети маблағлари муҳим ўрин эгаллаб, итисодётни интенсив ривожлантириш мақсадларини назарда тутди. Мамлакатимизда рўй бераётган туб ўзгаришлар молиявий-иқтисодий назария, бюджет жараёни ва Давлат бюджетининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажарилишини ижтимоий-иқтисодий яратувчанлик руҳида қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. Зеро, Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек: “Иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланган ҳамда молиявий барқарорликка эришилган ислохотларнинг ҳозирги даврида давлат молияси ва айниқса бюджет тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш муҳим стратегик вазифа ҳисобланади”¹.


Давлат бюджетининг иқтисодий моҳиятини очиб беришда, унинг иқтисодиётимизда тутган ўрнини Юртбошимиз И.Каримов: “Иқтисодиётни барқарорлаштириш - бозорни шакллантириш йўлидаги қонуний ва муқаррар босқичдир. Мана шу босқичда қуйидагилар энг муҳим ва биринчи навбатдаги чоралар сифатида олға сурилади: республика бюджетидаги тақчилликни чеклашга ва уни изчиллик билан камайтиришга қаратилган қаттиқ молиявий сиёсатни ўтказиш; бошқарув аппаратини сақлаш учун давлат маблағлари сарфлаш; зарар кўрувчи корхоналарга ва бошқа нозарур мақсадларга дотация ажратишни камайтириш; бюджет маблағларини сира кечиктириб бўлмайдиган давлат эҳтиёжлари ва ижтимоий эҳтиёжларга ажратиш”, деган фикр билан аниқлаб берган эди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998. 112-б.

Бюджет сўзи инглиз тилидан келиб чиққан бўлиб, “ғазна” деган маънони англатади. Бюджет XVII асрнинг иккинчи ярмида Франциядаги буржуа революциясидан кейин ўрнатилган. XIX асрнинг иккинчи ярми бошларидан бюджет Европа мамлакатларида тарқалган ва XX асрдан деярли ҳамма мамлакатларда бюджет категориясидан фойдаланилди. Бюджет сўзи ғазна маъносини билдирар экан, у давлатнинг қўлида марказлаштирилган пул фондларининг ташкил этилиши ва давлатнинг сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ пул муносабатларини билдиради. Давлат бюджети молия тизими давлат молия бўғинининг асосий қисмидир. Давлат бюджети унинг даромадлари ва харажатлари билан жамиятнинг иқтисодий категориялари билан боғлиқ. Давлат бюджети орқали жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулот қайта тақсимланади.

Бюджет - бу келаси даврда олиниши ва сарфланиши кўзда тутилган (бюджет режаси) ёки ҳозирги даврда ҳақиқатда олинадиган ва сарфланадиган (жорий бюджет) маблағларнинг даромади ва жисмоний-ҳуқуқий шахсларнинг харажати схемасидир. Давлат бюджети - давлатнинг даромад ва харажатлар режаси, унда фойдадан, турли солиқлардан, ташқи савдо даромадидан ва бошқалардан тўланадиган барча турдаги тўловлар намоён бўлади. Харажатлар қисмида иқтисодиётнинг давлат секторини ривожлантириш учун бошқарув аппаратини ушлаб туришга маблағлар, давлат ҳимояси эҳтиёжлари, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, капитал қўйилмалар ва бошқаларни давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириш амалга оширилади.

Давлат бюджети - давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Унинг характерли хусусиятини қуйидагича ифодалаш мумкин.



1-расм. Давлат бюджетининг характерли хусусиятлари¹

Шундай қилиб, давлат бюджети умумдавлат пул маблағлари фондининг иқтисодий кўриншида ташкил топишининг асоси бўлиб, у жамиятнинг умумий пул маблағлари фондлари тизимида асосий ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, у ишлаб чиқаришнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, унинг мазмуни ва таркибини аниқлайди ҳамда ишлаб чиқариш ривожланишидаги зарурий тангликларини ва ижтимоий эҳтиёжларни таъминлашга замин яратади.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда давлатнинг иштироки, энг аввало, давлат бюджети даромадлари мустаҳкамлиги билан белгиланади. Миллий иқтисодиётда қўлланилаётган Давлат бюджети даромадлари тизимининг самарадорлиги маблағларнинг бюджетга тушумини ташкил этишга бевосита боғлиқ. Давлат бюджети даромадлари эса солиқли даромадлар, носолиқли даромадлар ҳамда тикланмайдиган (қайтарилмайдиган) тарзда ўтказиладиган пул маблағларидан ташкил топади. Уни 2-расм асосида ифодалаймиз.

¹Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия. 2007. 23-б.



2-расм. Давлат бюджети даромадларининг манбаларига кўра таркиби¹

Давлат ўз вазифалари бажариш жараёнидан бир қатор харажатлар қилиши зарур. Бу харажатлар, энг аввало, мамлакат иқтисодиётини

¹Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия. 2007. 40-б.

ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилиш, яъни марказлашган капитал қўйилмаларни молиялаштириш, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга ҳамда ижтимоий вазифаларни бажаришга қаратилган, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган, режалаштирилган ҳаражатлардан иборат бўлади. Бу умумдавлат ҳаражатлари бюджет орқали молиялаштирилади. Давлат бюджетининг иқтисодий тушунчаси, умумжамият миқёсида марказлашган, давлат иштирокида тўпланган ва сарфланадиган молиявий ресурсларни англатади.

Давлат бюджети орқали жамиятда яратилган ялпи ички маҳсулот ва миллий даромад қайта тақсимланади. Ялпи ички маҳсулотнинг қайта тақсимланиши жамиятдаги умумий эҳтиёжлар: маориф, соғлиқни сақлаш, мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, аҳоли таркибида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тинчлик, чегаралар даҳлсизлигини сақлаш ва фавқулодда ҳолатлар учун сақланадиган давлат заҳираларининг мавжуд бўлиш зарурати туфайли келиб чиқади. Шунингдек, давлат бюджети орқали жамиятнинг ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилишнинг молиявий дастакларига эга бўлади.

Демак, бюджет иқтисодий категория сифатида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тизимида марказий бўғинда иштирок этиши билан аҳолининг маълум қатламининг манфаатларини ўзида акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими икки даражадан иборат:

- республика бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар;
- Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг ташкилий структурасини қуйидаги расмда яққолроқ намоён бўлади:



3-расм. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими¹

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг ўзига хос хусусияти шундаки, молиявий муассасалар бюджетни бошқариш тизимининг ягона молия органи шароитида амал қилади. Ҳар қайси бюджетнинг бўғинлари ўзига хос даромад ваколати ва харажат мажбуриятларига эга бўлиб, улар бир бутун давлат бюджети вазифаларини бажаришга асосланади.

Кейинги йилларда давлат бюджети таркибида маҳаллий бюджетларнинг ислохотларни амалга оширишдаги аҳамиятини ошиб бориш тенденциясини кузатишимиз мумкин. Маҳаллий бюджетлар Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг асосий қисми сифатида ўзида 14 та мустақил бюджетни мужассамлаштиради.

Бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва уни чуқурлаштиришнинг стратегик йўналиши ҳисобланувчи иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бюджет муносабатларини кейинги ривожлантириш бўйича тадбирларнинг амалиётга жорий қилиш ва амалдаги бюджет механизмидаги мавжуд муаммоларни, бюджет тизимини назарий асосларини чуқур ўрганишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ XIV сессиясидаги ва иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги маърузаларида белгилаб берилган жамият ҳаётининг

¹Магистрант томонидан тузилган.

иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган бош стратегияси давлат молияси сифат жиҳатидан ривожининг янги даврини белгилаб берди. Шунга биноан, бюджет-солиқ сиёсатининг истиқбол йўналишлари деб қуйидагилар белгилаб олинди:

- иқтисодиётдаги давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик функцияларини қисқартириш;

- инфляцияни босқичма-босқич камайтириш ва солиқ оғирлигини иқтисодий барқарорлик ва тадбиркорлик фаоллигини ошириш шарт шароитларга мувофиқ халқаро даражасига тушириш;

- аҳоли даромадларининг узлуксиз ошишини таъминлаш;

- аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тадбирларини изчил амалга ошириш;

- соғлом ва ёш авлодни тарбиялаш учун тегишли шарт-шароитлар яратиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил август ойидаги сессиясида “Бюджет тизими хақида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди ва матбуотда умумхалқ муҳокамаси учун чоп этилди. Қонун лойиҳаси бир неча йиллар давомида нуфузли хорижий ва маҳаллий экспертлар иштирокида яратилди ва у халқаро андозаларга мос келиши билан ажралиб туради. Ўз навбатида, қонуннинг кучга киритилиши миллий бюджет тизими ривожининг бурилиш нуқтаси бўлди ва бюджет жараёнининг барча босқичларини қонуний-меъёрий жиҳатдан кескин ривожланишига асос бўлиб, 2001 йилдан бюджет тизимининг янги моделига ўтилди ҳамда бюджет амалиётининг сифат жиҳатидан янги босқичи бошланди.

Бозор иқтисодиётига асосланган бошқарув шароитида асосий ишлаб чиқариш кучлари хусусийлаштирилган бўлади. Бу эса, давлат бюджетини иқтисодий соҳага таъсирини чегаралайди. Лекин, шундай иқтисодий тармоқлар, корхоналар ҳам мавжудки, уларни бюджет томонидан

молиялаштириш, пировардида, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайди. Бу корхоналар иқтисодиётда муҳим ўрин тутди ва ушбу корхоналарсиз иқтисодиётда оқсоқланиш юзага келиб қолиши мумкин. Бундай корхоналарга оғир саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалигидаги корхоналар, транспорт корхоналари, темир йўл тизими, алоқа, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқаларни мисол қилиш мумкин. Давлат баъзи корхоналарни бюджетдан молиялаштириш орқали, бу корхоналар маҳсулотларини чет эл корхоналари маҳсулотларига нисбатан рақобатбардошлигини оширади. Ушбу ҳаражатларнинг барчаси бюджетга иқтисодиёт ҳаражатлари сифатида акс эттирилади.

Иқтисодий соҳага ажратилган бюджет маблағлари ичида марказлашган инвестицияларни молиялаштириш ҳаражатлари муҳим рол ўйнайди ва катта салмоқни эгаллайди. Бу турдаги ҳаражатларни сарфлашдан кўзланган асосий мақсад - иқтисодий ўсишнинг талаб ҳажмига ва ички бозорни шакллантиришга таъсир ўтказишдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, марказлашган инвестицияларнинг камайиб бориши иқтисодиётга давлат аралашувининг қисқараётганлигини, иқтисодиётдаги инвестициялар асосан хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари ва аҳолининг бўш турган маблағларини жалб қилиш ҳисобидан амалга оширилиши кўзда тутилганлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида хўжалик субъектларининг инвестицион фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг дастлабки босқичларида асосий эътибор давлат бюджети маблағлари ва ҳукуматнинг кафолатлари асосида жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан инвестицион жараёнларни молиялаштиришга қаратилди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунда Ўзбекистонда бюджет тизими бозор муносабатларига мос равишда ривожланиб бормоқда,

шунингдек, иқтисодиётнинг ривожланишида бюджет тизимининг роли ва мамлакатнинг бюджет борасидаги ислохотлари иқтисодиёт тараққиёти учун самарали натижа беради, айниқса, бу ҳолат инвестиция жараёнларини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

1.2. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инвестицион лойиҳалар: моҳияти, хусусиятлари, аҳамияти ва роли

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни модернизациялаш шароитидаги амалга ошираётган иқтисодий ислохотлари таркибида инвестицион фаолият тараққиётини таъминлаш масаласи асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Ҳозирда мамлакат иқтисодиётини юксалтиришнинг муҳим омили ва шартларидан бири соҳага инвестициялар оқимини кучайтиришдан иборатдир. Инвестициялар иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи қудратли молиявий дастак эканлигини инобатга олсак, турли тармоқларни ривожлантириш учун унга йўналтирилаётган инвестициялар ҳажмини янада ошириш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозимлиги келиб чиқади.

Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Инвестициялар ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча имкониятларни ишга солиб, иқтисодиётга йўналтириладиган инвестициялар ҳажмини ошириш мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонунида: “Инвестициялар - иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига солинадиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар” сифатида таърифланади.

“Инвестиция” немисча “Investition”, лотинча “Investio” сўзидан олинган бўлиб, асосан, ишлаб чиқаришга узоқ муддатли қўйилмалар сарфи, яъни харажатлар йиғиндиси, деб талқин этилади. “Инвестиция” деганда келгуси фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида иқтисодиётнинг турли тармоқларига инвесторлар томонидан узоқ муддатга қўйиладиган барча турдаги мулкый, молиявий ва интеллектуал бойликлар тушунилади.

Биз диссертациянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, “лойиҳа” ва “инвестицион лойиҳа” тушунчаларини мазмун-моҳиятини тадқиқ қиламиз. Иқтисодий адабиётларда бу тушунчага турлича тарифлар берилган. Масалан, “лойиҳа” тушунчаси бир қатор умумий хусусиятларни тавсифловчи турли хил фаолият кўринишларини бирлаштиради ва улардан бирмунча умумийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- аниқ натижаларга, аниқ мақсадларга эришишга йўналтирилган;
- кўптурли бир-бири билан алоқадор фаолиятларни бажаришни мувофиқлаштириш;
- вақт давомида чекланганлиги¹.

Умумий жиҳатдан, лойиҳа (ингл. project) - бу “бирон нима, нима режалаштирилаяпти”, деган маъноларни англатади.

Инвестицион лойиҳа деганда эса келишилган муддатларда аниқ мақсадларга эришиш ҳамда режалаштирилган натижаларни олиш учун аниқ миқдордаги ресурсларни қўйишни, жойлаштиришни кўзда тутувчи тадбирлардир. Иқтисодчи-олим Волков И.М., Грачева М.В.лар фикрича: “инвестицион лойиҳа деганда иқтисодий фойда олиш мақсадида товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни барпо этиш ёки амал қилиб келаётганларни янгилашга, кенгайтиришга йўналтирилган тадбирлар (капитал қурилиш,

¹Мазур И.И., Шапиро В.Д., Ольдерогге Н.Г. Управление проектами: Учеб. пос. для вузов. – М.: ЗАО “Экономика”. 2001. – С. 17.

технология ва ускуна сотиб олиш, кадрлар тайёрлар ва бошқ.) мажмуини тушуниш лозим”¹.

Инвестицион лойиҳаларнинг молиявий натижалари бўлиб, кўп ҳолларда, фойда, моддий-мулкый натижалари бўлиб – янги ёки таъмирланаётган асосий фондлар ёки даромад олиш учун молиявий воситаларни ёки номоддий активларни ишлатиш ва сотиб олиш ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳаларининг мақсадлари турлича бўлиши мумкин. Жумладан, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, янги маҳсулот ишлаб чиқариш, бозорда маҳсулотни сақлаб қолиш ҳамда ижтимоий вазифаларни ҳал этишга қаратилади. Бироқ, ушбу мақсадларнинг негизида, албатта, фойда олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадлари бирламчидир.

Ўзбекистонда инвестиция соҳасида биринчи олим Д.Ғозибековнинг инвестиция лойиҳалари моҳиятига, мазмунига қаратилган назариялари, қарашлари эътиборга моликдир. Олимнинг “Инвестицияларни молиялаштириш масалалари” номли илмий асарида инвестицияларнинг макродаражадаги ва ишлаб чиқариш назариясидаги, молия назариясидаги ва умуман, иқтисодиётдаги моҳиятини очиб бериши алоҳида аҳамиятга эга². Жумладан: инвестицион лойиҳа турли инвестиция фаолиятларини режалаштириш, таҳлил этиш, баҳолаш ва улардан фойдаланиш услубини қўллашга имкон беради. Инвестиция лойиҳаси ўзининг сифат тавсияларига эга. Улардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ўзининг махсус мақсадларига эгаллиги;
- махсус фаолият учун бой бўлмаган ресурсларни тақсимлашни талаб этиши;
- ҳозирги ҳаражатлар эвазига даромадларнинг келажакда кутилиши;

¹ Волков И.М., Грачева М.В. Проектный анализ: Учебник для вузов. – М.: Банки и биржи ЮНИТИ. 1998. – С. 66.

² Қаранг: Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. - Т.: 2002. и.ф.д. диссертацияси автореферати, 11-14 б.

- пировард натижада инвестицияларни яратишнинг назарда тутилиши;
- ўзининг ягоналиги, ноёблиги туфайли муайян миқдордаги ресурсларни талаб қилиши;
- чет эллик агентларнинг, инвесторлар маблағларининг, кредитларнинг жалб этилиши;
- харажатларни оқилона ишлатишни талаб этиши;
- аниқ ва ноаниқ рисклар билан тўқнашиши фарқланиб туради¹.

Иқтисодчи-олимлардан А.Жўраев, Д.Хўжамқулов ва Б.Маматовлар фикрича²: инвестиция лойиҳаси ўз мақсади, йўналиши, амал қилиш соҳаси, муддати ва чегарасига эга бўлган алоҳида фаолият тури ҳисобланади. У ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий, экологик, иқтисодий жиҳатдан тўлиқ ва мукамал ҳисоб-китобларга асосланган юридик ҳужжат ҳисобланади.

Инвестиция лойиҳасининг бошқа ҳужжат ва “лойиҳа”лардан асосий фарқи шундаки, у ҳақиқий ҳужжат сифатида қарор топиши учун унинг барча томонлари махсус усуллар ёрдамида кенг ва аниқ ҳисоб-китоблар билан баҳоланади. Шунингдек, унинг амалга оширилиши муайян миқдордаги маблағларни сафарбар этишга асосланади.


Инвестиция лойиҳаси инвестиция ғоясининг шаклланишидан вужудга келар экан, унинг мураккаб жараёнлар асосида яратилишида турли тадқиқотлар ва таҳлил этиш ишларини олиб борувчи мутахассисларнинг асосий ўрин эгаллашларини алоҳида эътиборга олмоқ зарурдир. Инвестиция лойиҳасининг ўзига хос хусусияти унинг амалга оширилиши молиялаштиришнинг турли шаклларига мос тушиши билан изоҳланади. Бунда инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун турли манбалардан маблағларни жалб этиш мумкинлиги унинг қулайлигини, фойдалилигини, самарадорлигини ва афзаллигини оширади.

¹Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия. 2003. 67-б.

²Жўраев А.С., Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ. 2003. 16-б.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ва бошқа тавсифлардан келиб чиқиб, инвестиция лойиҳасига муайян ишлаб чиқариш қувватларига келажақда алоҳида турдаги самаралар келтириши зарур бўлган, аниқ белгиланган тадбирлар йўли билан ресурсларни инвестициялаш бўйича таклифлар тўплами тарзида таъриф бериш мумкин.

Инвестиция лойиҳаси ўзининг муҳим хусусиятлари билан ажралиб туради. Уни қуйидаги расм орқали ифодалаш мумкин.



4-расм. Инвестиция лойиҳасининг муҳим хусусиятлари¹

Бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция ресурслари манбалари макро ва микродаражада фарқланишидан қатъий назар, мамлакат инвестиция бозорида ўзига хос мавқега эга. Бозор муносабати шароитида инвестиция ресурслари манбалари ичида кредитлар ўта муҳим стратегик аҳамиятга эгадир. Чунки, бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг ўз маблағ манбалари чекланган бўлиб, улар, асосан, жорий харажатларни қоплаш учун сарфланади, қолган қисми эса чекланган маблағ сифатида инвестиция фаолиятини чегаралаб қўяди. Шу боис ҳозирда инвестиция ресурслари бозорида таклифни, нафақат, барқарорлаштириш, балки етарли миқдорда ошириш учун унинг манбалари таркибида давлат улушини камайтирган ҳолда чет эл кредитлари ва маҳаллий банклар кредитларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

¹Магистр томонидан тузилган.


Инвестиция фаолияти ва унинг манбалари иқтисодиёт ривожининг жадал суръатларини белгилаб бериш билан бирга у ҳар қандай тизимда кўп жиҳатдан минтақа ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиб боришини ва тараққий этиш даражасини ифода этиши лозим. Инвестициялар қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда муҳим омил бўлиб, у кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосини ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида самарадорликка эришиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, қўл меҳнатини қисқартириш, маҳсулот таннархини камайтириш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини янада оширишда, қолаверса, мамлакатнинг озиқ-овқат таъминотида инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти юқоридир.

Инвестор инвестициялашни амалга ошириш учун маълум миқдордаги маблағ ёки инвестиция ресурсларига эга бўлишни ёки жамғаришни талаб этади. Бунинг учун жамғарма маблағларини банкларда тўплаш ва улар орқали капитал маблағларни иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларига йўналтирилишини таъминлашга эришиш мумкин. Бу, аввало, инвестиция фаолиятида банклар иштирокини оширишни талаб этади.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва чет эл инвестициясини фаол жалб этиш учун, нафақат, ҳудудлар балки, тармоқларда, шунингдек, инвестиция фаолиятининг субъекти ва объектларида ҳам инвестицион жозибадорлик рейтингларини таҳлил этиб, ҳисоблаб чиқиш зарурдир. Бунда, асосан, инвестиция лойиҳаларини иқтисодиёт соҳалари буйича мутаносиб жалб этишнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш, инвестицияларни устувор соҳаларга йўналтириш ва хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир.

Сўнги йилларда яратилган қулай инвестицион муҳит инвестиция фаолиятининг ривожланишига олиб келди. Жумладан, мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700

миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.



5-расм. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, %да¹

Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди. Барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтириладиган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамалакатимизда иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатбардошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга қаратилган муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур доирасида умумий қиймати 42,5 млрд. АҚШ доллардан зиёд бўлган қарийб 327 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. 2009 - 2014 йилларда амалга ошириш кўзда

¹ Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

тутилаётган инвестицион лойиҳаларнинг 73,5 фоизи янги қурилиш, 23,1 фоизи модернизация ва тиклашга, 3,4 фоизи бошқа йўналишларга сарфланади (1-жадвал).


1-жадвал

2009 - 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури¹

Инвестицияларнинг йўналиши	Лойиҳаларни умумий қиймати	Ўз маблағлари	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	Тижорат банклари кредитлари
Молиялаштириш манбалари белгиланган ва келишилган, амалга ошириладиган ва амалга оширишга тайёрланган инвестиция лойиҳалари				
Янги қурилиш	15 395	2 795	468	12 132
Модернизация ва тиклаш	6 419	2 922	1 051	2 446
Бошқа йўналишлар	1 160	101	—	1 059
Жами	22 974	5 818	1 519	1 059
Ишлаб чиқиш босқичидаги янги инвестиция лойиҳалари				
Янги қурилиш	9 580	2 624	942	9 014
Модернизация ва тиклаш	2 409	936	182	1 292
Бошқа йўналишлар	256	—	—	256
Жами	12 245	3 560	1 124	7 561
Дастлабки тарзда ишлаб чиқилаётган истиқболли инвестиция лойиҳалари				
Янги қурилиш	6 286			
Модернизация ва тиклаш	1014			
Жами	7 300			

2009 - 2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилаётган инвестицион лойиҳаларнинг 50,6 фоизи нефть ва газ тармоғи, 13,7 фоизи транспорт ва инфратузилма, 10,6 фоизи энергетика соҳаси, 7,3 фоизи кимё саноати, 4,54 фоизи тоғ-кон ва металлургия саноати, 2,7 фоизи машинасозлик соҳаси, 2,3 фоизи қурилиш моллари ишлаб чиқариш, 2,1 фоизи енгил саноат, 1,4 фоизи “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва 4,9 фоизи бошқа тармоқлар ҳиссасига тўғри келади (6-расм).

¹ Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллардаги маълумотлари



6-расм. 2009-2014 йилларда амалга ошириш кўзда тутилган инвестицион лойиҳалар Дастури, (млн. АҚШ. доллари)¹.

Хулоса қилиб айтганда, инвестицион лойиҳаларнинг роли, қисқа вақт ичида, мулкчиликнинг турли шаклларини ташкил топишига кўмаклашади, Ўзбекистон иқтисодиётида таркибий қайта қуришни, нуфузли тармоқларни барпо этилишини, энг муҳими, Ўзбекистон иқтисодиётининг байналминаллашини ва Ўзбекистоннинг халқаро бозорга ўз маҳсулотларини олиб чиқишини ва у ерда ўз ўрнига эга бўлишини таъминлайди. Бунинг оқибатида экспорт ўсишини ва республикамизнинг тўлов балансини тобора ижобийлашиб боришига эришилади.

1.3. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда давлат бюджети маблағларининг аҳамияти

Маълумки, иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши билан мулкчиликнинг турли кўринишдаги ташкилий-ҳуқуқий шакллари пайдо бўлиб, инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги давлат манбалари ўрнини нодавлат инвестицион манбалар эгаллаб бормоқда. Бу эса давлат мулкчининг иқтисодиётдаги салмоғи камайиб, мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида нодавлат сектори даромадларининг ортишига, капитал

¹ Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллардаги маълумотлари

маблағларнинг марказлашган тақсимотидан инвестиция қилишнинг бозор шаклига ўтишга олиб келди. Бироқ, инвестиция капитали тузилмаси ва инвестицион фаолият субъектлари шаклининг бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда ўзгариши инвестицион жараёнларнинг фаолашувини билдирмайди. Қолаверса, давлатнинг инвестицион муносабатларни амалга оширишдаги иштирокининг қисқаруви бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ инвестицион режимнинг алмашинуви билангина эмас, балки иқтисодий-молиявий етишмовчилик, давлат даромадларининг кескин камайиши оқибатида ҳам юз беради.

Шу тариқа, устувор тармоқларни давлат бюджети ҳисобидан инвестициялашнинг имкониятлари чегараланиб, қисқариб бориши молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларни хусусий сектор орқали ҳал этиш мумкинлигини тақозо этади. Бироқ, ҳозирча хусусий сектордаги инвестицион фаолият субъектлари миқдори ва молиявий ресурслари қанчалик ортмасин, уларнинг имкониятлари инвестицион фаолиятдаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун етарли эмас. Шунга кўра, инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбалари таркибида давлат манбалари ўрнини тобора турли-туман хусусий манбалар эгаллаши ва натижада инвестицион фаолиятнинг кенг кўламда номарказлашуви ҳамда унинг кўлами ва самарасининг ортишига олиб келиш лозим.

Инвестицияларни бюджетдан молиялаштириш, энг аввало, республика иқтисодиётининг устувор йўналишларига давлат мақсадли дастурларини ва давлатлараро битимларни амалга ошириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини давлат томонидан ижтимоий муҳофаа қилишни таъминлаш учун уй-жой қурилиши, сув хўжалиги қурилиши, аҳоли яшайдиган жойларнинг муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш, давлат бошқаруви органлари, мудофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа

тармоқлари объектлари қурилиши, умумдавлат табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга ва таъбиий офатлардан ҳимоя қилиш иншоотлари қурилишига ажратиш тамойилларига асосланади.

Қуйидаги устувор йўналишлар бўйича инвестиция лойиҳаларига бюджетдан маблағлар ажратилиши мумкин:

- ишлаб чиқариш йўналиши бўйича: маҳаллий хом ашё ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш кўламини кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ривожлантиришга мўлжалланган рентабелли, юқори технологияни ва ресурсларни тежовчи ишлаб чиқариш инфратузилмасининг замонавий тизимларини ривожлантириш, истеъмол бозорларини энг зарур товарлар ва хизматлар билан тўлдириш (ёқилғи энергетика, металлургия, машинасозлик, газ, кимё, қайта ишлаш саноати, аграр-саноат комплекси, сув хўжалиги қурилиши, фармацевтика саноати ва ҳ.к);

- ноишлаб чиқариш объектлари бўйича: аҳолининг ижтимоий инфратузилма хизматларига бўлган биринчи навбатдаги эҳтиёжларини қондириш (соғлиқни сақлаш, фан, таълим соҳаси, маданий-маиший объектларни қуриш), аҳоли учун уй-жой қурилиши, магистрал ва кўчалар, сув, газ ва энерготаяминот тармоқларини қуриш.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида инвестицион фаолиятнинг номарказлашуви ёки нодавлат инвестициялаш манбалари улушининг ортиши асосан хусусийлаштириш йўли билан давлат корхоналари сонининг қисқариши натижасида марказлашган ресурс воситаларининг жиддий камайишида юз берди. Сўнги 15 йил давомида 150 мингдан зиёд давлат корхоналари мулкчилик шаклларини ўзгартирди. Мулкчилик турларини кенг миқёсда қайта шакллантириш учун катта ҳажмда ташқи инвестициялар керак эди. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун Ўзбекистоннинг иқтисодий-молиявий салоҳиятини намоён қилиш, яъни инвесторларга кенг фаолият майдонини таклиф этиш ва уларнинг маблағларини мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга жалб қилиш учун барча шарт-шароитлар

яратиш лозим эди. Чет эллик инвесторлар нодавлат корхоналар билан иш олиб боришни афзал кўрганликлари боис, ҳукумат қарорига мувофиқ, 2003-2004 йилларда хусусийлаштириш Дастурига киритилган 77 фоиз корхона 3,5 мингдан ортиқ объектлар хусусий мулкчиликка айлантирилди¹. Шунингдек, инвестицион фаолиятнинг номарказлашуви хусусий инвесторлар имкониятларининг “кўнгилдагидек” эмаслиги, инвестицион талаб ва таклиф ўртасидаги фарқнинг сақланиб қолиши, капиталнинг моддий ишлаб чиқаришдан савдо ва молия хизмати соҳаларига кўчиши билан ажралиб қолди.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг мавжуд манбаларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишни талаб этмоқда. Бу эса инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбаларининг ички ва ташқи манбалари таркибий тузилиши ва мутаносиблигининг ўзгариши билан боғлиқ.

Иқтисодий адабиётларда инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг макро ва микроиқтисодий даражадаги ички ва ташқи манбалари мавжуд. Макроиқтисодий даражадаги ички манбалари таркибига - миллий манбалар, яъни корхоналарнинг ўз маблағлари, молия бозори ресурслари, аҳоли жамғармалари, бюджет инвестиция маблағларини киритсалар, ташқи манбаларга - хорижий инвестициялар, кредитлар ва заёмлар киритилади. Ушбу таснифлаш ички ва ташқи манбаларнинг таркибий тузилиши ва уларнинг шаклланиши ҳамда миллий иқтисодиётда қўлланиш даражаси нуқтаи назаридан акс эттирилади.

Микроиқтисодий даражада, хўжалик юритувчи субъектлар нуқтаи назаридан ташқи манбалар қуйидагилар ҳисобланади: бюджет инвестициялари; кредит муассасалари; суғурта компаниялари; нодавлат нафақа ва инвестиция фондлари; аҳолининг инвестицион фаолиятга йўналтириши мумкин бўлган пул маблағлари; инвесторларнинг маблағлари.

¹ Давлат мулк қўмитасининг тегишли йиллардаги маълумотлари.

Микроиқтисодий даражада хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицияларни молиялаштиришнинг ички манбаларига асосий ва айланма капиталлари ҳамда уларга тенглаштирилган маблағлари киради.


Бозор муносабатлари ривожланиши шароитида инвестицион фаолиятни аста-секин нодавлат секторига ўтиб бориши, хусусий, жамоа, қўшма корхоналарнинг яратилиши ва ривожлантирилиши ҳам инвестицияларни молиялаштириш манбаларининг таснифига катта таъсир кўрсатади. Масалан, хусусий ёки жамоа мулки бўлган корхоналар учун корхона эгаларининг шахсий жамғармалари ички манба вазифасини ўташи мумкин. Яъни, хорижий фирмалар билан биргаликда эгалик қилинаётган корхоналар учун хорижий мулкдорнинг инвестициялари мазкур корхона учун ички манба деб қаралади. Бозор муносабатлари такомиллашиб боргани сари корхоналар инвестицион фаолиятини молиявий таъминлаш манбалари ҳам тобора ранг-баранг бўлиб бормоқда.

Шундай қилиб, макро ва микроиқтисодий даражада инвестицион фаолиятни молиявий таъминлашнинг ички ва ташқи манбалари фарқланади. Инвестицион фаолиятни молиявий таъминлаш манбаларининг таснифига аниқлик киритиш зарурати инвестициялашнинг бозор моделига ўтиш жараёнидаги объектив ўзгаришлар, инвестицион жараёнларда давлат ва корхоналар функцияларининг тақсимланиши, инвестицион бозор ва сармояларни жамлаш, сўнг уларни тадбиркорлик фаолиятига жойлашдан иборат бўлган молиявий институтлар тузилмалари тараққиётига боғлиқ.

Одатда, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш босқичларига қараб, инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркиби ҳам ўзгариб туради. Инвестицион фаоллашув даврида ички манбалар улуши камайиб, асосан ташқи манбалар салмоғи ошади.

2002-2011 йилларда иқтисодиётда фаол амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар ва модернизациялаш жараёни инвестицион фаолликни таъминлади. Бундай шароитда инвестицион фаоллик 2010

йилда 15409,1 млрд. сўмлик капитал қўйилмаларни ўзлаштириш имконини берди. Инвестицияларнинг ўсиш ҳажми 2009 йилга нисбатан 109,2 фоизга ўсди. Умумий инвестициялар ҳажмининг ўсиши билан асосий капиталдаги инвестициялар ҳажмининг мулкчилик шакллари бўйича ўзгариши кузатилди.



7-расм. Мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга инвестициялар (%да)¹

Давлат секторига йўналтирилган инвестицияларнинг улуши йилдан-йилга камайиб, иқтисодиётга киритилган барча инвестицияларнинг 18,5 фоизини ташкил қилди. Ушбу кўрсаткичга мос равишда нодавлат секторга йўналтирилган инвестициялар ҳажми 81,4 фоизга оширилди.

Ишлаб чиқарувчиларга солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар корхоналарнинг ўз ички маблағларини кўпайишига имконият яратди. Молиялаштириш манбалари бўйича инвестициялар умумий таркибида уларнинг улуши 2010 йилда 31,5 фоизни ташкил этди. Асосий капиталга киритилган жами инвестициялар таркибида давлат бюджети маблағларининг улуши 7,4 фоизни ташкил қилди. Инвестициялар таркибида молиялаштириш манбалари бўйича бюджетдан ташқари фондлар улуши 3,2 фоиз даражага ўсди. Бу асосан республика аҳамиятига молик бўлган автомобил ва темир йўллارни таъмирлаш ва қуришга ажратилган маблағ ҳисобига рўй берди.

¹“Ўзбекистон иқтисодиёти” ахборот ва таҳлилий шарҳ, 2002-2010 й.й.

Мамлакатимизда 2008 йилги Давлат бюджетининг энг муҳим хусусиятларидан бири марказлашган давлат капитал қўйилмаларини молиялаштириш харажатларининг камайиш тенденциясининг юз беришидир (Қаранг: 2-жадвал). Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2008 йилги Давлат бюджетининг таркибида марказлашган давлат капитал қўйилмаларини молиялаштириш харажатлари 7,53 фоизни ташкил қилган.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси 2004-2008 йилги Давлат
бюджетининг харажатлари (фоиз ҳисобида)**

Давлат бюджети харажатлари	2004 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил
1. Ижтимоий-маданий соҳа харажатлари	40,3	42,6	42,5	43,1	43,61
- таълим	28,1	28,6	28,5	29,6	30,1
- маданият, фан ва оммавий ахборот воситалари	2,3	2,1	2,0	1,8	1,6
- соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия	9,8	11,8	11,7	11,2	11,4
- ижтимоий таъминот	0,1	0,1	0,3	0,4	0,4
2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя харажатлари	7,5	7,4	8,0	7,9	10,1
- аҳоли учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматларни баҳолари ўртасидаги фарқни бюджетдан қоплаш	1,6	0,4	0,3	0,07	0,01
- болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, Пенсия жамҳармасига дотациялар	5,9	7,0	7,7	7,8	10,1
3. Иқтисодиёт харажатлари	8,9	12,5	13,0	11,2	11,5
4. Марказлашган давлат капитал қўйилмаларини молиялаштириш харажатлари	14,9	10,0	9,2	8,27	7,53
5. Давлат ҳокимияти, давлат бошқарув органлари, суд органларини сақлаш харажатлари	2,5	3,5	2,0	3,06	3,25
6. Вазирлар Маҳкамасининг резерв фонди	1,1	0,5	0,4	0,26	0,35
7. Бошқа харажатлар	25,7	18,5	22,7	26,3	23,64
8. Жами харажатлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Бу эса ўтган йилларга нисбатан давлат бюджети маблағларининг марказлашган давлат капитал қўйилмаларини молиялаштириш

ҳаражатларининг қисқараётганлигидан ва молиялаштиришнинг нодавлат манбаларининг улуши ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлар иқтисодиётида инвестицияларни молиялаштириш манбалари ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бунинг сабаби бозор муносабатларига ўтиш даврида инвестициялашнинг ички ва ташқи манбалари ўртасидаги нисбатнинг ўзгаришига хосдир. Бозор механизмларининг тўла шаклланмаганлигидан хўжалик юритувчи субъектлар бир томондан ссуда ва фонд бозори капиталларидан унумли фойдалана олмайди, иккинчи тарафдан инвестицион фаолиятни молиявий таъминлашда ўзларининг етарли маблағларига эга эмас.

Инвестициялашнинг ташқи манбаларини жалб этиш имкониятлари ўрганилганида Ўзбекистон шароитига нисбатан қуйидагилар устувор йўналиш сифатида кўриб чиқилади: марказлаштирилган инвестициялар ҳажмини камайтириш; хусусий инвесторлар (аҳоли, тижорат банклари, инвестиция фондлари ва компаниялари ва ҳ.) фаолиятини фаоллаштириш; тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

Бозор муносабатларига мос равишда хусусий секторда инвестицион фаолиятни молиялаштириш манбалари такомиллашиб бормоқда. Инвестицион фаолиятни молиявий таъминлаш манбаларининг кўпайиши, хусусий капиталнинг давлат капитали устидан устуворлиги, инвестицион фаолиятда иштирок этувчи турли шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар ва объектларнинг ортиб бориши, бўш турган пул маблағларни жамлаш ва уларни инвестицион фаолиятга жалб қилиш орқали инвестицион талаб ва таклифни таъминлайдиган инвестицион бозор ва унинг институтларининг ривожланиши муҳим вазифалардандир.

Умуман, ишлаб чиқариш соҳасини инвестициялар билан таъминлашнинг имкониятлари хусусида, биринчидан, ҳар доим ҳам ишлаб чиқариш соҳасини инвестициялашда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз

маблағлари инвестицион тараққиёт учун етарли эмас. Аксарият корхоналарнинг молиявий имкониятлари инвестицияларни шакллантиришга қодир эмас. Мавжуд вазиятда корхоналарда ёппасига янгиланиш ва соғломлаштириш эмас, балки маҳсулотнинг рақобатбардошлик даражаси, ички ва ташқи бозордаги талаб даражасига қараб, устувор ишлаб чиқариш йўналишлари танлаб олинади. Ички ва ташқи бозор талабига жавоб берадиган рақобатдардош маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналаргина инвестицион фаолиятни ўстирувчи база бўлиб хизмат қилиши мумкин, чунки фақат реал даромадни ошириш орқалигина инвестиция манбаларини пул қадрсизланишига таянмаган ҳолда шакллантиришга эришилади, иккинчидан, корхоналарнинг молиявий жамғармалари етишмаслиги шароитида инвестицияларни ташқи манбалар ҳисобидан молиялаштиришнинг имкониятлари ва шарт-шароитларини аниқлаш зарурати юзага келади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибий тузилишини ўзгартиришнинг бош йўналиши бюджет маблағларини бу фаолиятга жалб этишнинг камайтирилиши ва корхоналарнинг ўз маблағлари, хусусий инвестициялар ва қарзга олинган маблағлар улушининг ортишидир.

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларида инвестицион ресурсларни жалб этишни таъминловчи стратегик инвесторлар институти ва ҳақиқий малакали хусусий мулкдорлар синфи барпо этилмади. Хусусий инвесторлар жамғармаларини қайта тақсимлашнинг амалдаги механизми бўш турган пул маблағларини жамлаш ва уларни кейинчалик инвестицион фаолиятга жалб этиш шарт-шароитлари билан таъминланмади. Натижада инвестицион фаолият молиялаштиришнинг зарур имкониятларини қидириб топиш муаммосига дуч келди. Мавжуд муаммога оид иқтисодиётнинг реал, даставвал ишлаб чиқариш соҳаларидаги молия-инвестиция ресурсларини таҳлил қилиш, жамғармаларни инвестицияларга айлантириш

механизмларини такомиллаштириш каби муҳим жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, давлатнинг инвестицион фаолиятдаги иштирокининг фаоллашуви инвестиция танқислигини енгиб ўтишнинг энг муҳим омилдир. Ўтиш даврида давлатнинг иқтисодиёт тараққиётига аралашувининг кучайиши бозор механизмини шакллантириб бўлган мамлакатлар учун ҳам хосдир. Бозор инфратузилмаси тўлиқ шаклланмаган бир шароитда давлатнинг инвестицион жараёнларга аралашуви яна ҳам долзарб бўлиб кўринади. Бироқ, давлатнинг инвестиция фаолиятидаги иштироки турли шаклда амалга оширилиши мумкин.

Бозор иқтисодиётида давлатнинг бевосита инвесторлик роли хусусий капитал учун жозибадор бўлмаган ижтимоий соҳа ва муҳим давлат аҳамиятига эга тармоқларга нисбатан сақланиб қолинади. Мисол учун, ҳозирги пайтда маҳсулотлар ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил этиш ва товарлар рақобатбардошлигини оширадиган номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари давлатнинг алоҳида кўмагидан фойдаланмоқдалар. Бир қатор Ғарб давлатларида ялпи ички маҳсулотнинг 30-50 фоизга қадар қисми бюджет орқали тақсимланади. Шу билан бирга давлатнинг инвестицион фаолиятни молиявий таъминлашда нафақат марказлашган манбалар ҳажми нуқтаи назаридан, балки давлат кафолатлари, суғурта ва хусусий сармоядорлар учун имкониятлар яратиш нуқтаи назаридан аҳамияти ортади.

Фаол давлат сиёсатини амалга ошириш унинг корхоналар фаолияти инвестиция механизмларини жонлантириш, маҳаллий рақобатбардош, биринчи навбатда, юқори технологияли, жаҳон бозорида етакчи ўринларга интиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, давлат буюртмалари, кафолат ва дастурлари тизими асосида самарали инновация ва инвестиция лойиҳалари бозорини шакллантириш, уларнинг биргаликда молиявий таъминланишини кўзда тутди. Шу билан бирга, инвестициялашнинг бозор

моделини шакллантиришдаги давлатнинг инвестицион фаолиятдаги иштироки фаоллашуви асосида сармоялаш фаолиятини иқтисодий мувофиқлаштиришни кучайтириш, инвестицион инфратузилманинг ривожига кўмаклашиш, хусусий сармояларнинг ўсишини рағбатлайдиган ҳуқуқий ва иқтисодий муҳит яратиш кабилар ётади.

Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицион фаолиятнинг тобора фаоллашиб боришини давлатнинг бевосита инвестор сифатидаги аҳамиятининг камайиши ва хусусий инвесторларнинг тараққий этиб боришида кузатиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, янги институционал тузилмалар пайдо бўлиши, инвестицион инфратузилманинг: тижорат банклари, махсус молия-кредит инвестиция институтларининг шаклланиши кабилар билан ифодаланади. Бу жараёнлар аста-секинлик билан инвестиция капитали тузилмасини мулкчилик шакли ва молиялаштириш манбаларига кўра такомиллаштириб боради.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, инвестицион фаолиятни молиялаштиришда давлат бюджети маблағларининг аҳамияти инвестиция фаолияти иштирокчиларига қулай инвестицион муҳит яратиш, инвестицияларни амалга оширишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, улар фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган қонун-қоидалар ишлаб чиқиш, инвестицион фаолиятни тартибга солиш ва мувофиқлаштиришда кўпроқ наомён бўлади.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИНИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурини тайерлаш ва бюджет маблағлари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳолатининг таҳлили

Мамлакатимизда инвестиция лойиҳаларини марказлашган инвестициялар, шу жумладан, бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш лимитлари Инвестиция дастурида кўзда тутилади. Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал-ҳом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республика айрим тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чора-тадбирлар мажмуасидир. Давлат инвестиция дастури миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишда, дастурга киритилган корхоналар фаолияти самарадорлигини таъминлаш учун қулай инвестиция муҳитини барпо этишда муҳим ўрин тутди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишга хорижий инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосида республика иқтисодиётини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси

Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги Қарори¹ қабул қилинди.

Давлат Инвестиция дастури республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларининг таркибий қисми ҳисобланади ва давлат инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттиради. Шу билан бирга Инвестиция дастури лойиҳа-қидирув ишларидан бошлаб, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумдавлат дастурлари бажарилишини таъминлаш учун объектни фойдаланишга топширишгача бўлган босқичларни ҳисобга олган ҳолда, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш муддатларини ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олиб, ҳар йили дастурнинг асосий кўрсаткичлари аниқлаштирилган ва аниқ рўйхати янгиланган ҳолда уч йиллик даврга шакллантирилади.

Инвестиция дастурини шакллантиришнинг асосий тамойиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- инвестиция жараёнларини бошқариш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, шу жумладан зарур ҳажмларда, мақбул шартларда хорижий инвестицияларни ва кредитларни жалб этиш, шунингдек, лойиҳаларни танлаб олишнинг амалий механизмини шакллантириш ва уларнинг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш асосида улардан самарали фойдаланиш механизмини яратиш;

- белгиланган давлат устуворликлари асосида энг муҳим тармоқларини, ишлаб чиқаришларни ва фаолият соҳаларини қўллаб қувватлаш;

- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тармоқларни (таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги) аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишни, истеъмол талабини фаоллаштиришни таъминловчи ҳажмларда, биринчи навбатда, инвестициялаш;

- минерал хом ашё ресурсларини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни, тайёр маҳсулотни ташқи бозорда рақобатбардошлик

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Инвестиция дастури тўғрисида” Қарори. 29.12.2010. 1455-сон.

даражага етказишга йўналтирилган ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини қўллаб қувватлаш;

- транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

- таркибий ўзгартиришлар вазифалари ва амалга оширилаётган инвестиция сиёсатига мувофиқ маблағ қўйишнинг ўзаро манфаатлилиги асосида хорижий сармояларни жалб қилиш, томонларнинг инвестиция мажбуриятлари асосида шартномалар тузиш амалиётини жорий этиш;

- инвестиция лойиҳаларини Инвестиция дастурининг аниқ рўйхатига олдиндан бегиланган мезонлар асосида киритиш;

- илгари бошланган объектларни тугаллаш учун марказлаштирилган инвестицияларни, биринчи навбатда, ажратиш.

Лойиҳаларни танлаб олишда уларнинг самарадорлиги республика иқтисодиёти айрим тармоқларини ва минтақаларини ривожлантириш устуворликлари, маҳсулот сотиш кўрсаткичлари, шу жумладан, экспортга йўналтирилганлик, бутловчи буюмлар ва компонентлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда қатнашиш кабилар асосий мезон ҳисобланади

Инвестиция дастурида лойиҳанинг баҳолаш қиймати, тугалланмаган қурилиш ва қурилишни тугаллаш ҳамда фойдаланишга топшириш учун йиллар бўйича жорий нархларда молиялаштиришга эҳтиёж, молиялаштиришнинг тасдиқланган манбалари тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. Инвестиция дастурини ишлаб чиқишда йирик ва ўта муҳим лойиҳалар алоҳида, катта бўлмаган бир типдаги лойиҳалар яхлит киритилиши мумкин (масалан: мактаблар, қишлоқ, врачлик пунктлари қурилиши ва бошқалар). Инвестиция дастури йиғма жадваллар билан таҳлилий қисмдан, аниқ дастурдан ва устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатидан иборат бўлади. Инвестиция дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириши бўйича барча ишларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги мувофиқлаштириб боради. Инвестиция дастури Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

Инвестиция дастурининг таҳлилий қисми республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари билан ўзаро боғланган ҳолдаги капитал қўйилмалар ҳажмлари ва молиялаштириш манбаларини асослашдан, Дастур самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни танлаб олиш мезонларидан иборат бўлади. Дастурнинг таҳлилий қисми таркибида инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш ва технологик таркибини ҳисобга олган ҳолда умуман Дастур, иқтисодиёт секторлари ва тармоқлари, молиялаштириш манбалари ва ҳудудлар, амалга ошириш йўллари бўйича капитал қўйилмалар таркиби белгиланади.

Дастурнинг ялпи ички маҳсулот ўсишига, иқтисодиётнинг тармоқ ва ҳудудий ўзгаришига ва импорт таркибига, ишлаб чиқариш қувватларини ва ижтимоий соҳа объектларини ишга тушириш ҳажмларига таъсирининг прогнозлаштирилган натижалари ҳисоб-китоб қилинади. Дастурнинг барча ҳисоб-китоблари тадрижий тарзда, республикани уч йиллик даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболлари ва инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастури асосида ишлаб чиқилади. Дастурнинг аниқ рўйхатига марказлаштирилган манбалар, Ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари киритилади.

Дастурнинг аниқ рўйхати қуйидагилардан иборат бўлади: иқтисодиётни, ижтимоий соҳани ва мамлакат мудофаа қудратини таркибий ўзгартиришни таъминловчи республика иқтисодиёти устувор йўналишларини ривожлантириш дастурларини молиялаштиришга йўналтириладиган марказлаштирилган инвестициялар лимитларидан; хорижий инвестициялар ва ҳукумат кафолати остида кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастуридан; тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этган ҳолда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг аниқ дастуридан; устувор инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатидан иборат бўлади.

Ижтимоий соҳа объектларининг прогнозлаштирилаётган ҳажмлари Дастурга йириклаштирилган, буюртмачилар ва объектлар бўйича тақсимламаган ҳолда киритилади. Қуйидагилар лойиҳаларни амалга оширишнинг биринчи йилида уларни аниқ дастурга киритишнинг мажбурий шартлари ҳисобланади; белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳанинг (инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асослашлари, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари) мавжуд бўлиши; молиялаштириш манбаларининг ва кредитларнинг шартномада белгиланган муддатда қайтарилишининг тасдиқланиши.

Аниқ лойиҳа уни амалга ошириш мақсадга мувофиқлигидан, унинг иқтисодий ва молиявий самарадорлигидан, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мулоҳазаларга кўра амалга ошириш имкониятлари ва мақбуллигидан, тармоқни ривожлантиришнинг стратегик вазифаларига мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич танлаб олинади:

- биринчи босқичда - лойиҳа аниқ тармоқ ва минтақани ривожлантириш устуворликларидан келиб чиққан ҳолда олдиндан баҳоланади;

- иккинчи босқичда - лойиҳа иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва минтақаларни ривожлантириш устуворликларидан келиб чиққан ҳолда танлаб олинади.

Қуйидагилар биринчи босқичда лойиҳанинг устуворлигини белгилашнинг мезонлари ҳисобланади; лойиҳанинг тармоқни ривожлантириш стратегиясига мувофиқлиги; молиявий ва иқтисодий самарадорлик; маҳаллий хом ашёдан ва бутловчи буюмлардан фойдаланиш даражаси; тайёрланган мутахассисларнинг мавжудлиги; лойиҳани амалга оширишга тайёрланганлиги даражаси; ишга туширилгандан кейин фойдаланиш харажатлари.

Ҳар бир мезоннинг муҳимлиги даражаси тармоқни ривожлантириш стратегиясини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан белгиланади. Иккинчи босқичда уч йиллик даврда

республика иқтисодиётидаги таркибий ўгартиришлар прогнозига мувофиқ кўшимча равишда қуйидаги мезонлар ҳисобга олинади: тармоқ (минтақа)нинг истиқболдаги прогноз ўсиш суръатлари; экспорт салоҳиятининг прогноз ўсиш суръатлари; тармоқнинг умуман республика бўйича макроиқтисодиёт кўрсаткичларига таъсирининг ўзгариши; таркибий омиллар; илгари қўйилган инвестициялар самарадорлиги; асосий фондлар аҳволи ва қувватлардан фойдаланиш даражаси; лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти.

Иккинчи босқичда танлаб олиш натижаларига кўра Дастурга киритилган объектларнинг аниқ дастури шакллантирилади. Дастурни ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг биринчи йили кўрсаткичлари мавжуд молиявий ресурслар ва бошқа ресурслар билан ўзаро боғланган бўлиши керак ҳамда биринчи молиявий йилда ўзгартирилмайди. Дастурни ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг иккинчи ва кейинги йиллари кўрсаткичлари ҳар йили аниқлаштирилиши керак, бунда бошланмаган лойиҳаларнинг бир қисми янги лойиҳаларга алмаштирилиши мумкин. Дастурнинг йиғма рўйхатига вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотларнинг устувор инвестиция таклифлари киритилади.

Буюртмачилар тасдиқланган инвестиция дастури асосида ваколатли банкларда молиялаштиришни расмийлатириш учун ҳар йили қурилишларнинг аниқ рўйхатини ва Дастурни амалга оширишнинг иккинчи ва учинчи йилларига киритилган объектлар бўйича лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхатни аниқлаштирадилар. Марказлаштирилган манбалар ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган қурилишларнинг аниқ рўйхатлари Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда инвесторлар (буюртмачилар) томонидан тасдиқланади. Бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган

қурилишларнинг аниқ рўйхатлари инвесторлар (буюрмачилар) томонидан мустақил равишда тасдиқланади.

Кредит ресурсларини жалб этган ҳолда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларининг аниқ рўйхатлари тегишли кредит шартномаси ёки кредитловчи банкнинг ёзма розилиги мавжуд бўлганда тасдиқланади.

Қурилишларнинг аниқ рўйхати биринчи йил мобайнида танлов савдолари ёки йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни мувофиқлаштириш кенгашининг алоҳида қарорлари бўйича аниқлаштирилиши мумкин. Истисно ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда танлов савдолари натижаларига кўра “бошқа ҳаражатлар” лимити ҳисобига асбоб-ускуналар харид қилиш лимити аниқлаштирилишига йўл қўйилади. Қурилишнинг титул рўйхати тасдиқланган лимитлар доирасида қурилишнинг бутун даврига тузилади ва Дастур тасдиқлангандан кейин икки ойдан кечиктирилмасдан танлов савдолари натижаларига кўра шакллантирилади. Дастурдаги қурилишнинг титул рўйхати инвестор (буюрмачи) томонидан пудратчи билан келишган ҳолда тасдиқланади. Қурилишнинг тасдиқланган рўйхатида капитал қўйилмалар лимитлари умуман инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун назарда тутилади, бунда қурилиш-монтаж ишлари, асбоб-ускуналар харид қилиш, лойиҳа-қидирув ишлари ҳаражатлари ва бошқа ҳаражатлар (пудратчи ва буюрмачилар ҳаражатлари алоҳида кўрсатилади) қурилиш йиллари бўйича тақсимланган ҳолда ажратиб кўрсатилади.

Танлов савдолари натижаларига кўра белгиланган қурилиш қиймати биринчи молиявий йилда ҳаражатлар қиймати ортиши прогнозини ҳисобга олиши керак. Биринчи молиявий йилда қурилишнинг титул рўйхатида лойиҳа-қидирув, қурилиш-монтаж ишлари кўрсаткичлари аниқлаштирилишига йўл қўйилмайди.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш тартиби

Босқичлар	Тадбирлар	Муддатлар	Масъуллар
1-босқич	Иқтисодиёт вазирлиги уч йиллик даврга Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритиш учун таклифларни тайёрлашга оид методик кўрсатмаларни тармоқ вазирликлари ва идорали, Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳар йили етказди.	апрель	Иқтисодиёт вазирлиги
2-босқич	Буюртамчилар лойиҳалар бўйича дастлабки ахборотни тайёрлайди, уларни уч йиллик даврда амалга ошириш учун танлаб оладилар ва таклифларни Иқтисодиёт вазирлигига тақим этадилар	Май-июнь	Буюртамчилар
3-босқич	Иқтисодиёт вазирлиги таклифларини кўриб чиқади ва ўртача мудатли даврда аниқ тармоқни ривожлантириш устуворликларига мувофиқ тармоқларни танлаб олади.	Июнь-июль	Иқтисодиёт вазирлигининг тармоқ бўлимлари
4-босқич	Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, “Давархитектқурилиш” қўмитаси ва ваколатли банклар билан биргаликда Инвестиция дастурига киритиладиган лойиҳаларни узил-кесил танлаб олади.	Август-сентябрь	Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги “Давархитектқурилиш” қўмитаси, ваколатли банклар
5-босқич	Инвестиция дастурининг лойиҳаси иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги бирлашган ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва унинг қарорига кўра ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари билан келишиш учун Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига тақдим этилади.	Сентябрь	Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги бирлашган ҳайъат, Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари
6-босқич	Инвестиция дастурининг қатъи кўриб чиқилади	Сентябрь-октябрь	Иқтисодиёт вазирлиги
7-босқич	Инвестиция дастурининг лойиҳаси тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритилади.	октябрь	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги
8-босқич	Инвестиция дастурининг амалга оширишнинг биринчи йилига киритиладиган янгидан бошланадиган объектлар бўйича танлов савдолари ўтказилади.	Октябрь-ноябрь	“Давархитектқурилиш” қўмитаси, буюртамчилар
9-босқич	Тасдиқланган инвестиция дастурига ва ўтказилган танлов савдоларига мувофиқ белгиланган тартибда шартномалар тузилади, қурилишларнинг аниқ ва титул рўйхатлари, келгуси йиллар лойиҳалаш ишларининг аниқ рўйхатлари тасдиқланади.	Декабрь	Буюртамчилар, прудратчилар

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Инвестиция дастурини шакллантириш 9 босқичдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бир босқичида бажарилиш лозим бўлган муҳим вазифалар ўрин олган.

Инвестиция дастурига киритиш учун таклифлар тайёрлашда буюртамчилар қуйидаги тартибга амал қилишлари керак: дастурни амалга оширишнинг биринчи йилига келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг

аниқ рўйхати ва молиялаштириш билан таъминланган (келгуси йилга ўтувчи ва янгидан бошланаётган) қурилишларнинг аниқ рўйхати тузилади; дастурни амалга оширишнинг иккинчи йилига унга келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва биринчи йилдан ўтувчи қурилишларнинг прогноз рўйхати ва Дастурни амалга оширишнинг биринчи йилида лойиҳа ҳужжатлари тайёрланган ва тасдиқланган, биринчи йилида танлов савдоларига тайёрланадиган янгидан бошланадиган объектлар киритилади; дастурни амалга оширишнинг учинчи йилига унга келгуси йиллар лойиҳа-қидирув ишларининг аниқ рўйхати ва танлов савдолари натижаларига кўра белгиланган амалга ошириш муддатларини ҳисобга олган ҳолда қиймати белгиланган тартибда аниқлаштирилган биринчи ва иккинчи йилдан ўтувчи қурилишларнинг прогноз рўйхати, лойиҳа ҳужжатлари иккинчи йилдан тайёрланадиган ва тасдиқланадиган янгидан бошланадиган объектлар киритилади.


Инвестиция дастурини молиялаштириш манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1. Марказлаштирилган инвестициялар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади: давлат бюджети маблағлари; давлат бюджетидан ташқари фондлар маблағлари; ҳукумат кафолати остида бериладиган хорижий кредитлар; ҳукумат қарорлариг кўра белгиланадиган бошқа манбалар.

2. Марказлаштирилмаган инвестициялар, улар қуйидагиларни ўз ичига олади: мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар маблағлари; тижорат банкларининг, шу жумладан, хорижий тижорат банкларининг кредитлари; жисмоний шахслар, шу жумладан, хорижий жисмоний шахслар маблағлари; қонун ҳужжатларга зид бўлмаган бошқа манбалар.

Марказлаштирилган инвестициялар республика ҳалқ хўжалигини таркибий қайта қуришни, республиканинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантиришни, амалга ошириш молиялаштиришнинг бошқа манбалари ҳисобига мумкин бўлмаган

ижтимоий муаммоларни ва бошқа муаммоларни ҳал этишни таъминловчи республика иқтисодиётининг устувор йўналишларида асосий фондларини яратиш ва кўпайтириш учун фойдаланилади.



8-расм. Ўзбекистонда Давлат инвестиция дастурини амалга оширишдаги зарур чора-тадбирлар

Марказлаштирилган инвестициялар фақат республика иқтисодиётининг устувор йўналишларига давлат мақсадли дастурларини ва давлатлараро битимларни амалга оширишга, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини давлат

томонидан ижтимоий муҳофаа қилишни таъминлаш учун уй-жой қурилишига, сув хўжалиги қурилишига, аҳоли яшайдиган жойларнинг муҳандислик инфратузилмасини ривожлантиришга, давлат бошқаруви органлари, муҳофаа ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа тармоқлари объектлари қурилишига, умумдавлат табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга ва таъбиий офатлардан ҳимоя қилиш иншоотлари қурилишига ажратилади.

Дастурни амалга оширилиши мониторинги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисида”ги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

Дастурнинг давлат мониторинги: инвестиция лойиҳаларини, ва биринчи навбатда, марказлаштирилган инвестициялардан фойдаланган ҳолда рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш; лойиҳаларни белгиланган тартибда тасдиқланган параметрларга (техник-иқтисодий асослар, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар), танлов савдолари (тендерлар) шартларига риоя қилиш; амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича ахборот базасини шакллантириш; инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда пайдо бўладиган муаммоли масалаларни кузатиб бориш; инвестиция иқлимни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида амалга оширилади.

Дастурнинг мониторинги ҳар ойда статистика ҳисоботи ва сўров йўли билан Иқтисодиёт вазирлиги томонидан амалга оширилади. Дастурнинг мониторинг натижалари Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳар чораклик ахборотларни тайёрлашда ҳамда навбатдаги уч йиллик даврга Дастурни шакллантиришда фойдаланилади.

Ўзбекистонда инвестиция дастурларининг устуворликларини белгилаш ва мамлакатимиз ҳамда чет эл капиталини молиялаштириш манбаларини излаб топишда давлатнинг устуворлиги сақланиб келинмоқда. Биринчи босқичда (1992-1993 йиллар) ислохотлар сиёсатида кенг инвестициялар дастури ва давлат корхоналарига марказлаштирилган кредитлар ажратиш назарда тутилди, бу эса каттагина бюджет тақчиллигига олиб келди. Иккинчи босқичда (1994-1996 йиллар) ислохотлар сиёсати бюджет бошқарувини кенгайтиришга қаратилган қаттиқ молия сиёсати билан ажралиб турди. Ислохотларнинг учинчи босқичида (1997-1999 йиллар) савдо ва валюта чеклашларининг кучайиши, очиқ валюта курсининг жорий қилиниши, молия секторини ислох қилиш, солиқ тизимини мустаҳкамлаш, экспорт ва импортнинг пасайиши, ташқи қарзнинг ўсиши, импортга қатъий чеклашларнинг жорий қилиниши, бевосита чет эл инвестициялари ҳажмининг қисқариши ва ташқи қарзларнинг ортиши билан тавсифланди. Ислохотларнинг ҳозирги босқичида савдо, валюта чеклашларини эркинлаштириш ва солиқ ислохотларини ўтказиш (солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш) қишлоқ хўжалиги ва молия секторини ислох қилиш, йирик корхоналарни хусусийлаштириш суръатларини жадаллаштириш, иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни тугатиш ва ниҳоят, иқтисодиётни модернизациялашни, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни назарда тутди.

Давлат инвестиция дастури Ўзбекистоннинг ўрта ва узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ривожланишига асосланади. Уни шакллантириш амалиётида лойиҳа цикли олти босқичга бўлинади: лойиҳани аниқлаш; лойиҳани тайёрлаш; баҳолаш ва танлаш; тасдиқлаш ва молиялаштириш манбалари; татбиқ этиш ва ишга тушириш; иккиламчи баҳолаш.

Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурида назарда тутилган капитал қурилишни маблағ билан таъминлаш Вазирлар Маҳкамасининг

“Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорида кўрсатилган тартибга асосан амалга оширилади.

Инвестиция дастурида назарда тутилган капитал қўйилмалар доирасида инвестиция лойиҳаларини маблағ билан таъминлаш буюртмачилар (инвесторлар, инвесторлар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ваколати берилган бошқа жисмоний ва юридик шахслар, яъни буюртмачилар томонидан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан белгилаган тартибда келишилган қурилишларнинг аниқ рўйхатига мувофиқ амалга оширилади.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига маблағ билан таъминланадиган қурилишларнинг аниқ рўйхатларини шакллантириш буюртмачи томонидан амалга оширилади. Буюртмачи Инвестиция дастури тасдиқлангандан кейин 1 ҳафта муддатда Иқтисодиёт вазирлигига қурилишларнинг аниқ рўйхатларини келишиш учун тақдим этади. Қурилишларнинг аниқ рўйхатларига, биринчи навбатда, кейинги йилга қтувчи объектлар, шу жумладан бажарилган ишлар учун исботланган кредиторлик қарзлар мавжуд бўлган объектлар киритилади.

Аниқ рўйхатларга янгидан бошланадиган объектларни киритишга, агар кейинги йилга қтувчи қурилишлар ва объектлар, шу жумладан шунга қўшаш қувватлар яратиладиган қурилишлар ва объектлар, капитал қўйилмаларнинг зарур ҳажмлари билан таъминланган тақдирдагина йўл қўйилади. Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ажратиладиган буюртмачи улардан мақсадли ва самарали фойдаланилиши учун жавоб беради.

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминлаш ва кредитлаш ишлари Молия вазирлиги томонидан бюджет маблағлари ажратиш буюртмачи томонидан тасдиқланган иш ҳажмларини бажариш, асбоб-ускуналар, бутловчи материаллар, буюмлар ва конструкциялар етказиб бериш ҳамда маблағ билан таъминлаш жадвалига мувофиқ

Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган қурилишларнинг аниқ рўйхатларига биноан амалга оширилади.

Бюджет маблағларига бўлган эҳтиёжни аниқлашда қуйидаги ҳаражатлар ҳисобга олинади:

- ўтган йилда бажарилган ишлар ҳажми учун кредиторлик қарзларни тўлаш;


- қурилишларнинг аниқ рўйхатларига киритилган объектларда бажариладиган ишлар бўйича жорий йилнинг ҳисобот ойидаги кредиторлик қарзларни тўлаш;

- ҳисобот ойида капитал қўйилмалари ҳажмларини ўзлаштириш асосида аниқланган жорий ойда капитал қўйилмаларни кутилаётган ўзлаштиришнинг 40 фоизигача миқдорда аванс тўлаш.

Давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминлашни расмийлаштириш учун буюртмачилар маблағ билан таъминловчи банкларга: лойиҳанинг белгиланган тартибда тасдиқланган техник-иқтисодий асосланишини (лойиҳа-смета ҳужжатларини); Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган янгидан бошланаётган қурилишларнинг йиллар бўйича бўлинган аниқ рўйхатларини, кейинги йилларга ўтувчи қурилишларнинг аниқлаштирилган аниқ рўйхатларини; қурилишнинг барча даври учун бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб шакллари кўрсатилган пудрат шартномаларини; қурилишнинг йиғма смета ҳисоб-китобларини; лойиҳа ҳужжатлари бўйича “Давархитектқурилиш” қўмитасининг давлат идорадан ташқари экспертизаси ва давлат экология экспертизасининг ҳулосаларини тақдим этадилар.

Буюртмачилар давлат бюджети маблағлари ҳисобига маблағ билан таъминлаш лимитларини қурувчи корхоналарга етказадилар ҳамда уларга хар ойда бир йилга тасдиқланган лимитлар доирасида амалда бажарилган ишлар ҳажми учун ажратилган маблағларни ўтказадилар. Сметаларда назарда тутилган асбоб-ускуналарни сотиб олишга контрактлар

(шартномалар) бўйича, шунингдек буюртмачи томонидан материаллар етказиб бериш юзасидан импорт операцияларга ҳақ тўлаш улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан кейин амалга оширилади.



9-расм. Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштиришда тақдим этадиган ҳужжатлар

Лойиҳаларни аниқлаш ва тайёрлашни тармоқ вазирликлари ҳамда ҳокимликлар бажарадилар. Лойиҳа таклифларини баҳолаш ва танлашни устуворликларига мувофиқ тоифалаштириш асосида Иқтисодиёт вазирлиги экспертлари амалга оширадилар. Булар ҳаражатлар ва фойда, молиявий ва

иқтисодий ҳаётчанлик, бажариш бўйича малаканинг мавжудлиги, жорий этиш имкониятлари, жойлашиш ўрни каби омиллар ҳамда танлашнинг бошқа мезонлари бўйича аниқланади.

Хулоса қилиб айтганда, бюджет маблағларидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда самарали фойдаланиш, хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва қулай инвестиция муҳитини шакллантиришда Давлат инвестиция дастурининг ишлаб чиқилиши ва самарали татбиқ этилиши муҳим аҳамият касб этади.

2.2. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг ҳозирги ҳолатининг таҳлили

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг умумий ҳолати, салмоғи пасайиш тенденциясига эга. Жаҳон амалиёти шундан далолат берадики, ривожланишнинг турғун даврларида давлат иқтисодий жараёнларга ўз аралашувини кучайтиради. Ҳатто, бозор механизмлари шаклланиб бўлган мамлакатларда ҳам бундай ҳолат кузатилиши мумкин. Асосан давлатнинг роли инвестицион турғунликни енгиб ўтишда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий жараёнларда давлатнинг роли бир томондан, иқтисодий воситалар орқали вазиятни тартибга солиб боришда кўринса, иккинчи томондан, инвестор сифатида бевосита инвестицион муносабатларда иштирок этиши билан белгиланади. Демак, давлат иқтисодиётни ривожлантиришда бевосита инвестор бўлиб қатнашади. У бюджет маблағларини, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг давлат ва ижтимоий нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга бўлган тармоқларига жойлайди. Ўзбекистон учун бундай тармоқлар бўлиб, аввало, ижтимоий соҳа ва

халқаро бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ҳисобланади.

Давлат инвестицияларининг аҳамиятини нафақат уларнинг ҳажми, балки улар давлат кафолатига эгалиги, суғурталангани ва шунингдек, хусусий инвесторлар учун ўзига хос маёқ вазифасини ўташи белгилаб беради.

Иқтисодий тараққиётнинг замонавий босқичида аксарият нодавлат ишлаб чиқариш тармоқлари ўз маблағлари ҳисобига инвестицион фаолиятларини ташкил этадилар.

Моддий ишлаб чиқариш соҳаларида риск юқори ва даромад даражаси пастлиги тufайли уларга хусусий инвестициялар жойланиши камайди. Фақат табиий ресурслар қазиб олиш ва уларга дастлабки ишлов бериш корхоналаригина бундан мустасно. Ҳатто, давлат нисбатан бўш қолган бюджет ресурсларига эга бўлганида маблағларни мамлакат умумхўжалик ишлаб чиқаришини ёппасига ривожланишини таъминлайдиган тармоқларга ёки муайян корхоналарга жойлаши керак. Шу билан боғлиқ ҳолда шуни айтиб ўтиш керакки, бюджет маблағлари тақчиллиги яқин истиқболда бундай давлат инвестицияларини кенг ҳажмда амалга ошириш имконини бермайди. Ҳозирги вақтда асосий капиталга қўйилаётган инвестициялар тузилмасида бюджет қўйилмалари улуши камайиб бормоқда.

Марказлашган инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигининг нисбатан пастлиги уларга хос хусусиятлардан ҳисобланади. Бюджет инвестицияларидан ишлаб чиқариш соҳасида фақат давлат корхоналари фойдаланмоқда. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги тufайли бундай корхоналарни давлат ҳокимияти идоралари томонидан хусусийлаштириш ёки янгича ҳуқуқий асосларда қайта ташкил қилиш орқали уларнинг миқдорини қисқартириш ишлари амалга оширилмоқда.

Марказлашган инвестициялар ҳажмини ошириш улар самарадорлигини ошириш масаласини ҳал қилмайди. Бунинг учун бюджет-молия тизимида чуқур ислоҳотларни амалга оширмақ лозим. Давлат миқёсида барча даражадаги бюджетдан ташқари фондларнинг йўқ қилиниши, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган баъзи инвестиция сифатида йўлланаётган бюджет маблағларини назорат қилиш имкониятини яхшилайти. Бюджетни ижро этиш ғазначилик тизимининг жорий этилиши ҳам бюджет маблағларининг ишлатилиши устидан назоратни кучайтирди, бироқ у ҳам муаммони тўлалигича ҳал қилмайди.

Бюджет маблағларини марказдан туриб инвестицияларга тақсимлаш муайян даражада иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими йўл қўйган хатоларни такрорлайди. Инвестиция объектлари ҳамда ҳажмларини маъмурий-тақсимлаш дастаклари орқали аниқланганида даромадлилик мезонидан деярли фойдаланилмайди, бюджет маблағлари ёйилиб кетиб, бошқа мақсадларга ишлатилиб кетади, яқунланмаган қурилиш ҳажми ортиб боради. Инвестиция соҳасида буйруқбозликка асосланган қарорлар оқибатда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш тизимида номутаносибликлар келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг тамойилларидан бири - маҳаллий бюджетларнинг мустақиллиги, инвестиция оқимларининг бюджет ҳуқуқ муносабатлари субъектларининг манфаатларига мувофиқ равишда тақсимланишини белгилаб беради. Маълумки, давлат бюджети давлатга қарашли бўлса, маҳаллий бюджет маҳаллий давлат бошқарув органлари томонидан юритилади. Мудофаа ва миллий хавфсизликни таъминлаш, фундаменталь тадқиқотлар ҳамда илмий-техник тараққиётга инвестициялар фақат давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ темир йўл, ҳаво ва денгиз транспортининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, давлат қўламли фавқулудда вазиятлар ва табиий офатлар

оқибатларини тугатиш ва инвестицияларнинг капитал қўйилма шаклидаги яна бир неча йўналишлари ҳам давлат даражада таъминланиши шарт. Бюджет қонунчилиги бюджетлар ҳисобидан йўлланаётган инвестицияларни тартибга солади. Улар қуйидагилар: давлат мулкни шакллантириш харажатлари, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларини ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари, давлат мулки ёки маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари ихтиёридаги бошқа муассасаларни шакллантириш; давлат турар-жой-коммунал хўжалигини сақлаш ва ривожлантириш; давлат йўл қурилиши ва маҳаллий аҳамиятга эга йўللарни сақлаш; давлат ҳокимияти ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш; маиший чиқиндиларни утиллаштириш ва қайта ишлашни уюштириш; аҳолига транспорт хизматини кўрсатиш ва давлат мулки бўлган ёки маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари ихтиёридаги муассасалар; ёнғин хавфсизлигини таъминлаш; давлат идоралари атрофидаги табиат муҳитини муҳофаза қилиш; маҳаллий ўз-ўзини бошқариш идоралари қабул қиладиган мақсадли дастурларни амалга ошириш.

Ўзбекистонда ислохотларни ўтказишни асосий шартларидан бири инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш, фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш билан иқтисодий тизимли қайта қуришдир. Фақат кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш шароитидагина, экспорт салоҳиятини кенгайтиришни ҳаётга татбиқ этиш билан иқтисодий тизимли қайта қуришнинг йўналиши белгилаб берилди. Бунинг учун инвестицияларнинг ўз, ташқи кредитлар ва тўғридан-тўғри инвестициялар каби барча манбалари ҳаракатда бўлиши керак.

Республикамизда инвестицияларни молиялаштиришнинг асосий манбалари бўлиб нафақат бюджет маблағлари, балки ҳар хил фондларнинг ўз маблағлари, банк қарзлари, шу билан бир қаторда аҳолининг омонатлари ҳам киради. Молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларига: бюджет

маблағлари; бошқа марказлаштирилган манбалар ва нобюджет фондлар маблағлари; марказлаштирилган кредитлар; Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва марказлаштирилмаган инвестициялар бўйича бошқа давлат органларининг кафолати остидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар; давлат бошқарувининг ижро органларининг маблағлари киради.

Давлат бюджети ҳисобидан давлатнинг марказлаштирилган капитал қўйилмаларини молиялаштиришни очиш давлат буюртмачилари топшириқлари бўйича амалга оширилади. Давлат бюджети ҳисобидан давлатнинг марказлаштирилган капитал қўйилмаларини молиялаштиришни амалга оширишда корхона ва бирлашмалар иштирок этади.

Ҳукуматнинг ижро органларига, республика ва маҳаллий бўлишидан қатъий назар, инвестиция фаолиятини молиялаштириш учун катта миқдорда маблағ керак бўлади. Бу фаолият капитал қўйилмалар ва оммавий иншоотлар қурилишининг, мактаб, касалхона, уй-жой қурилиши, умумфойдаланиш йўллари кабилар билан боғлиқдир. Бундай лойиҳалар асосан ҳар турдаги узоқ муддатли қарз мажбуриятлари, облигацияларни чиқариш йўли билан молиялаштирилади. Маблағга бўлган талабнинг бошқа манбаларига давлатнинг жорий эҳтиёжлари киради.

Инвестицияларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириш “Марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан “калити билан” шарти асосида объектлар қурилишини амалга ошираётган пудрат қурилиш ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низом¹ талаблари асосида амалга оширилади.

Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишини амалга ошириш марказлаштирилган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган янги қурилишда, фаолият кўрсатаётган корхонани кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник жиҳатидан қайта қуроллантиришда мажбурий ҳисобланади.

¹Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19 май 2004 йил 1358-сон билан давлат рўйхатида олинган.

Кредитлаш, танловли савдолар ғолиби бўлган, объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишини амалга ошириш марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширадиган, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликларини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги 1999 йил 20 декабрдаги 532-сон қарорига мувофиқ суғурта компаниялари билан қурилиш объектини суғурталаш учун шартнома тuzган пудрат қурилиш ташкилотларига нисбатан амалга оширилади.

Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишини амалга оширишда пудрат қурилиш ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш қайтариб бериш, ҳақ тўлаш, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади. Пудрат қурилиш ташкилотларининг ўз айланма маблағлари фойдаланишга тайёр ҳолда қуриладиган объект бўйича ишлар қийматининг 20 фоизидан камни ташкил этган тақдирда, улар ўзларининг асосий талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатаётган банкка танлов савдоларида иштирок этишлари учун кафиллик сўраб мурожаат этишлари мумкин. Агар пудрат қурилиш ташкилоти танлов савдоларида ғолиб бўлса, у ҳолда унга кафиллик тақдим этган тижорат банки ушбу ташкилотни айланма воситаларининг етмаган қисмини тўлдириш учун 20 фоизгача миқдорда молиялаштиради.

Пудрат қурилиш ташкилотлари объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишини тугатиш учун маблағларнинг етишмаган қисмини қоплаш мақсадида танлов савдолари натижаларига кўра белгиланган объект қийматининг 25 фоизгача миқдорда кредит олиш учун ўзларининг асосий талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварақларига хизмат кўрсатаётган банкка мурожаат қилишлари мумкин.

Объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда қурилишини амалга ошириш марказлаштирилган манбалар ҳисобидан кредитлашда тижорат банкининг кредит ресурслари манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- пудрат қурилиш ташкилотининг асосий депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи бош банкка вақтинчалик асосида, ойма-ой бериб туриладиган, тасдиқланган Инвестиция дастури бўйича капитал қўйилмаларни молиялаштириш лимити доирасида марказлаштирилган манбалардан олинадиган бюджет маблағларининг (аванс тўлаш ва 50 фоиз миқдорида жорий молиялаштиришдан кейин) қолган қисми;

- хизмат кўрсатувчи банкнинг ўз ва жалб қилинган маблағлари.

Пудрат қурилиш ташкилотларининг асосий талаб қилиб олгунча ҳисобварақларига хизмат кўрсатувчи тижорат банкларининг бош муассасаларидаги депозитларига Молия вазирлиги белгиланган тартибда жойлаштирадиган бюджет маблағларининг бўш қолдиқлари тижорат банкларининг кредит ресурсларини шакллантириш манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бунда омонат депозитининг муддати, ушбу депозит бўйича банк томонидан тўланадиган фоиз ставкаси Молия вазирлиги ва бош банк ўртасида тузиладиган омонат депозити шартномасига мувофиқ белгиланади.

Пудрат қурилиш ташкилотларига бериладиган шартномага кўра, аниқланган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш муддатига, бир ойдан ошмаган қўшимча даврни ҳисобга олган ҳолда, тақдим этилади. Кредитдан фойдаланиш учун тўланадиган фоиз ставкаси кредит ресурслари манбаига боғлиқ бўлиб:

- Молия вазирлигининг кредит ресурслари ҳисобидан бериладиган кредитлар бўйича - кредит суммасидан йилига 2 фоизгача миқдордаги банк маржасини ҳисобга олган ҳолда Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган миқдорда;

- тижорат банкининг ўз ресурслари ҳисобидан бериладиган кредитлар бўйича - томонларнинг келишувига кўра белгиланади.

Кредит олиш учун пудрат қурилиш ташкилоти кредит берилишини сқраб ариза билан банкка мурожаат қилади. Аризага тегишли ҳужжатлар¹ илова қилинади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, инвестициялаш жараёнида давлатнинг роли маблағларни нобюджет фондлар маблағлари, хокимиятлар ва бошқа турли манбалар ҳисобига инвестициялашдир. Барча маблағлар асосан иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантиришга (машинасозлик, энгил ва энергетика саноати) сарфланади. Инвестиция ресурсларини асосий олувчилари бўлиб, давлат ва қўшма корхоналар ҳисобланади ва бунда давлатнинг улуши 25-51 фоизни ташкил этади. Бу қисқа муддат ичида иқтисодиётни ривожлантиришга олиб келади.

Иқтисодиётда изчиллик билан амалга оширилаётган тузилмавий ўзгаришлар ва модернизациялаш жараёни инвестицион фаолликни таъминлади. Иқтисодиётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, солиқ тизимини босқичма-босқич такомиллаштириш саноат ишлаб чиқаришнинг молиявий жиҳатдан барқарорлигини таъминлади, бу эса, ўз навбатида хусусий секторнинг инвестицион фаоллигини оширди.

2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича таркибини таҳлил қиладиган бўлсак, умумлаштириганда марказлаштирилмаган инвестицияларнинг ўсиш суръати марказлашган инвестицияларнинг ўсиш суръатидан юқори кўрсаткични кўрсатиб турибди. Бунда корхона ва аҳоли

¹Ишларни бажариш ва молиялаштириш жадваллари берилган ҳолда буюртмачи ва пудрат қурилиш ташкилоти ўртасида фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш шартларида тузилган шартноманинг нусхаси; қурилишларнинг манзиллари рўйхатидан кўчирма; қурилиш титул рўйхатининг нусхаси; банк ҳисобварағига пул тушумларининг прогнози мажбурий равишда кўрсатиладиган бизнес-режа; охириги ҳисобот даври учун бухгалтерлик балансининг (1-сонли шакл) Давлат солиқ хизмати маҳаллий (туман) органи томонидан тасдиқланган нусхаси ва дебитор, кредитор қарздорлик тўғрисида маълумотнома (2а-сон шакл), шунингдек 90 кундан ортиқ қарздорлик бўйича текширув ҳужжатлари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл); кредитни таъминланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

маблағлари, банк кредитлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар юқори улушни ташкил этмоқда.

Энг муҳими, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари таркибида бюджет маблағлари улуши 2007 йилда 473,4 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга келиб, 1136,5 млрд. сўмни ташкил қилган ва 2007 йилга нисбатан 2,4 мартага ортган (4-жадвал). Бу эса, ўз навбатида, асосий капитални молиялаштиришда бюджет маблағларининг иштироки фаоллигини ва давлат томонидан асосий капитални молиялаштиришга алоҳида эътибор берилаётганлигидан далолат беради.

4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида асосий капиталга киритилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича таркиби¹

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2007 йил	Олдинги йилга нисбатан % ҳисобида	2008 йил	Олдинги йилга нисбатан % ҳисобида	2009 йил	Олдинги йилга нисбатан % ҳисобида	2010 йил	Олдинги йилга нисбатан % ҳисобида
1. Асосий капиталга киритилган инвестициялар	млрд. сўм	5903,5	125,8	9555,9	134,1	12531,9	124,8	15409,1	109,2
1.1. Марказлаштирилган инвестициялар	млрд. сўм	1043,7	100,5	1890,1	149,8	2517,9	124,4	2855,3	99,7
бюджет маблағлари	млрд. сўм	473,4	97,8	816,6	142,7	1019,5	113,5	1136,5	103,6
бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари	млрд. сўм	338,7	107,4	585,9	143,1	927,8	147,5	498,3	77,2
давлат кафолати остида чет эл инвестициялари ва кредитлари	млрд. сўм	231,6	96,8	487,6	174,1	570,6	114,8	575,4	88,7
1.2. Марказлаштирилмаган инвестициялар	млрд. сўм	4859,8	133,1	7665,8	130,7	10014,0	125,0	12553,8	111,7
корхоналар маблағлари	млрд. сўм	2699,7	119,4	3940,3	120,7	4550,0	103,2	4862,1	94,0
аҳоли маблағлари	млрд. сўм	643,8	110,9	834,6	109,0	1325,0	130,5	2430,4	172,4
тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва кредитлари	млрд. сўм	1216,1	194,5	2376,3	161,6	3487,5	166,9	3863,6	97,4
тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	млрд. сўм	300,2	157,2	514,6	141,8	651,5	129,9	1397,7	
Қурилиш ишлари	млрд. сўм	2733,5	116,0	3575,9	105,5	6862,5	133,1	8174,6	108,1
Тура уй-жойларни ишга тушириш	минг. кв. м	7002,8	107,2	7290,0	104,1	7613,3	105,2	8838,1	11,1

¹ Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

Бюджетдан ташқари фондларнинг ҳам асосий капитални молиялаштиришдаги улуши ҳам ўсиш суръатига эга бўлиб, 2010 йилда 2007 йилга нисбатан 1,4 мартага ортган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, асосий капитални молиялаштиришда давлат кафолати остида чет эл инвестициялар ва кредитларининг улуши деярли сезиларсиз даражада ўзгарган. Бу ҳол мутлақо тўғри бўлиб, мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги (имтиёзлар, кафолатлар ва рағбатлантириш омилларининг мавжудлиги) давлат кафолатисиз хорижий инвестиция ва кредитларни жалб қилиш имконини бермоқда.

2010 йилда асосий капиталга киритилган инвестицияларни молиялаштириш манбалари бўйича таркибида фақатгина бюджет маблағларининг улуши 1136,5 миллиард сўмни ёки асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг 7,3 фоизини, марказлашган инвестициялар эса 18,5 фоизни ташкил қилган. Бу эса давлат бюджети маблағлари, ҳукумат томонидан кафолатланган хорижий инвестициялар ва банкларнинг марказлашган кредитлари улушининг пасайиши ва аксинча корхона ва аҳоли ҳамда тижорат банклари ва нобюджет фондлар маблағлари улушининг ортиши кузатилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Инвестиция дастури доирасида капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари таркибида корхона маблағлари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар асосий салмоқни эгаллаганлигини қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкин (5-жадвал).

2011 йилги Давлат инвестиция датури доирасида бюджет маблағларининг улуши жами капитал қўйилмалар ҳажмининг 4,6 фоизини ташкил қилиши режалаштирилган. Бу эса бюджет маблағлари, энг аввало, давлат ижтимоий ва муҳофаа харажатларини молиялаштириш учун йўналтирилади.


5-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Инвестиция дастури доирасида капитал қўйилмаларнинг асосий параметрлари, млн. сўмда¹

Молиялаштириш манбалари	2011 йил прогноз кўрсаткичи	Фоиз нисбатида
Капитал қўйилмалар, жами	20 721 845	100
Шу жумладан:		
1. Марказлашган инвестициялар:	4 696 491	22,6
1.1. Бюджет маблағлари	950 000	
Шу жумладан:		
- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди	105 000	
1.2. Бюджетдан ташқари фондлар	911 834	
Шу жумладан:		
- республика Йўл фонди	609 800	
- болалар спортини ривожлантириш фонди	139 930	
- мактаб таълимини ривожлантириш фонди	162 104	
1.3. Тикланиш ва тараққиёт фонди (сўмга эквивалент ҳисобида)	1 353 527	
1.4. Ҳукумат кафолати остида жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлар (сўмга эквивалент ҳисобида)	1 376 130	
Шу жумладан қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши учун	171 750	
2. Марказлашмаган инвестициялар:	16 025 354	77,4
2.1. Корхона маблағлари	7 536 261	
2.2. Тижорат банкларининг кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	2 069 185	
Шу жумладан, АТ “Қишлоқ-қурилиш” банкнинг қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши учун мўлжалланган имтиёзли кредитлари	196 289	
2.3. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар (сўмга эквивалент ҳисобида)	3 835 109	
2.4. Аҳоли маблағлари	2 584 800	

Қуйидаги расмда асосий капитални молиялаштиришда бюджет маблағларининг улушини яққол кўришимиз мумкин (10–расм).

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2011йилги Инвестиция дастури тўғрисида” Қарори. 29.12.2010. 1455-сон. 1-илова.



10-расм. Асосий капиталга киритилган инвестицияларда бюджет маблағларнинг улуши, фоиз ҳисобида¹

Хусусан, 2007 йилда асосий капитални молиялаштириш бюджет маблағларининг 8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 7,4 фоизни ташкил қилди. Бундай ҳолат асосий капитални молиялаштиришда бюджет маблағлари улуши пасайиш тенденциясига эга эканлигини кўрсатади ва ижобий ҳолат ҳисобланади.

Асосий капиталга киритилган инвестицияларни молиялаштиришда марказлаштирилмаган инвестициялар таркибига кирувчи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши марказлаштирилмаган инвестицияларнинг 30,7 %ни, асосий капиталга киритилган жами инвестицияларнинг эса 25 %ни ташкил қилган.

Шуни ҳам айтиш жоизки, ўтиш даврини бошидан кечираётган собиқ иттифоқи мамлакатлари иқтисодиётида инвестицияларни молиялаштириш манбалари ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради. Бунинг сабаби бозор муносабатларига ўтиш даврида инвестициялашнинг ички ва ташқи манбалари ўртасидаги нисбатнинг ўзгаришига хосдир. Бозор механизмларининг тўла шаклланмаганлигидан хўжалик юритувчи

¹ Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

субъектлар бир томондан ссуда ва фонд бозори капиталларидан унумли фойдалана олмайди, иккинчи тарафдан инвестицион фаолиятни молиявий таъминлашда ўзларининг етарли маблағларига эга эмас.

Умуман олганда, инвестиция лойиҳаларига бюджет маблағлари жалб қилиш учун жуда қаттиқ ва юқори талаблар қўйилади. Бу талабларга жавоб берган лойиҳаларгагина бюджетдан юқорида кўрсатилган тартибда маблағлар ажратилиши мумкин. Шу тариқа, инвестиция лойиҳаларини бюджетдан молиялаштиришнинг қўйидаги асосий хусусиятларини келтириб ўтишимиз мумкин: лойиҳа барча талабларга жавоб берадиган ҳолда пухта ишланган бўлиши керак; лойиҳанинг кўриб чиқиш, маъқуллаш босқичларининг кўплиги ва вақт талаблилиги; молиялаштириш ишларининг Иқтисодиёт вазирлиги белгилаган тартибда амалга оширилиши; молиялаштиришда банкларнинг воситачи сифатида қатнашиши; бажарилган ишлар устидан назоратнинг қаттиқлиги.

Фикримизча, бюджетдан молиялаштириш доирасида рўй бераётган инвестиция жараёнларини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан кўзланган мақсадларда фойдаланиш ортидан назоратни кучайтириш ва уларнинг ижро самарадорлигини юксалтириш учун барча даражадаги бюджетларнинг инвестиция дастурларига нафақат қурилишларга ажратилаётган инвестицияларни, балки инвестиция мақсадларида бюджет кредитлари, субвенциялари ва субсидиялар тарзида фойдаланиладиган маблағларни ҳам киритиш зарур. Шунингдек, бу каби дастурларга бир мунча катта ҳажмда кўчмас мулк харид қилиш бўйича ва бино ҳамда иншоотларни қайта тиклаш харажатлари киритилиши керак. Бюджет капитал қўйилмаларининг самарадорлиги муаммоларини кўриб чиқишда уларнинг катта қисми ноишлаб чиқариш, ижтимоий соҳага йўналтирилишини унутмаслик лозим.

2.3. “Уз-информ” инвестиция лойиҳасининг умумий тавсифи ва унинг молиявий-иқтисодий самарадорлиги таҳлили

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган илк кунларданоқ олдига қўйган асосий вазифалардан бири бу, халқаро, шаҳарлараро ва маҳаллий ахборотларни узатиш тармоғини ривожлантиришдир. 1995 йилда Мустақил ҳамдўстлик давлатлари ичида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистоннинг телекоммуникация тармоғига доир 2010 йилга қадар Ўзбекистон телекоммуникацион тармоқларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш Давлат дастурини қабул қилган эди. Ушбу дастурининг асосий вазифаси келгусида миллий телекоммуникацион тармоқни, ахборотларни сифатли узатиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, соҳада илмий-техникавий ва инвестицион сиёсатни бирламчи дастурини жорий этиш ҳамда чет эл инвестицияларини кенг кўламда жалб этишга доир барча шарт-шароитларни яратиш, жаҳон телекоммуникацион тармоғига Ўзбекистон истеъмолчиларининг кенг кўламда, тез ва сифатли хизматлар билан кириб боришни таъминлашдан иборатдир.

Маҳаллий телекоммуникацион тармоқларни ривожлантириш дастурида 2002-2010 йилларда асосий йиллик телефон апаратларининг ўсиши 3%, рационали АТСларнинг тезлиги 749,052 минг рақам телефон станцияларининг эксплуатация муддатини 15-20 йилга узайтириш назарда тутилган.

Миллий дастурнинг жорий этилиш натижаси ўлароқ, телефон тармоқлари тезлиги 2 мингдан 1,88 миллион рақамга етказилиб, шаҳар аҳолисининг 99,4%, қишлоқ аҳолисининг 76% автоматик тарзда халқаро ва шаҳарлараро тармоққа чиқиш имкониятларини қўлга киритадилар.

Иқтисодиётимизнинг жадал суръатлар билан ривожланаётган, халқаро информацион технологияларга бўлган эҳтиёжларини юқорилиги ҳамда Ўзбекистон халқининг яшаш ҳолатини яхшилаш мақсадида 2002 йил 6 июнда Вазирлар Маҳкамасининг 200-сонли қарори қабул қилиниб,

амалиётга жорий этилди. Қабул қилинган давлат дастури қуйидаги мақсадларга қисқа муддат ичида эришишни назарда тутди: интернет ва маълумотларни жўнатиш тармоғини ўз ичига олган телекоммуникацион инфратузилмани ривожлантириш; интернет тармоғининг миллий сегментациясини ривожлантириш; дастурий маҳсулотлар индустриясини ривожлантириш; компьютер тармоқлари ва техникасини ривожлантириш; ахборот ресурсларини яратиш ва улардан максимал фойдаланиш; ахборот коммуникацион технологиялар соҳасида кадрлар таёрлаш ва қайта ўқитиш; ахборот коммуникацион технологиялар соҳасида рақобат мухитини яратиш учун барча шарт-шароитларни жорий этиш; тегишли қонунчилик базасини, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш соҳасини мустаҳкамлаш.

Мазкур “Ўз-информ” акциядорлик компаниясининг телекоммуникацион тармоғини ривожлантириш, таъмирлаш лойиҳасининг техник-иқтисодий мазмуни Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 июлдаги 338-сонли “Хитой Республикаси билан алоқаларни келгусида янада ривожлантириш” Қарори, ва 2002 йил 6 июнда Вазирлар Маҳкамасининг 200-сонли “Келгусида компьютерлаштириш ва янги ахборот коммуникацион технологияларни қўллашни жадал ривожлантириш тўғрисида”ги Қарорлари асосида тузилди.

Лойиҳани ташаббускори сифатида бугунги кунда кенг хизматлар қўллашини, Ўзбекистон аҳолисининг барча қатламларига кўрсатаётган ва асосий операторлардан бири бўлган “Ўзбектелеком” компанияси ҳисобланади. Ушбу компания Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июлдаги 200-сонли Қарори ижросидан келиб чиқиб, истеъмолчиларга бугунги кунда кенг қўламдаги алоқа хизматларни кўрсатмоқда. “Ўзбектелеком”нинг устав капиталидаги улуши бўйича асосий акциядорлари: Ўзбекистон Республикаси давлат мулк қўмитаси - 94,2%; компания ишчилари улуши - 3,1%; бошқа акциядорлар улуши - 2,7%.

“Ўзбектелеком” Вазирлар Маҳкамасининг 30.06.2000 йил 283-сонли “Ўзбектелеком”ни шакллантириш масалалари тўғрисидаги қарорига биноан

мавжуд “Халқаро телеком” ва “Маҳаллий телеком” холдинг компанияларини бирлаштириш негизида барпо этилган.

Юридик шахс сифатида “Ўзбектелеком” рўйхатга олинди, компаниянинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди; маҳаллий, халқаро, шаҳарлараро электр алоқага бўлган талабни сифатли ва тез қондириш; чет эл инвесторларини жалб этган ҳолда қўшма корхоналар барпо этиш, телекоммуникация тармоқда эришилган жаҳон тажрибасини кенг қўламда тарғиб этиш; телекоммуникация соҳасида кейинги бозор ислохотларини жадал суръатларда олиб бориш; телекоммуникация тизимида ахборотлар хафсизлигини таъминлаш

Бугунги кунга келиб “Ўзбектелеком” барча турдаги телекоммуникацион хизматлар кўрсатувчи етук оператор ҳисобланади. Унинг алоқа хизматларини кўрсатиш бўйича бозордаги улуш 98%ни ташкил этади. Маҳаллий алоқа хизматларини Ўзбекистоннинг 12 та ҳудудида ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган филиаллари орқали амалга оширади. Бозорда муқобил оператор бўлиб, “Бузтон” қўшма корхонаси ҳисобланади. Бу корхонада “Ўзбектелеком”нинг улуши 43,52 фоизни ташкил этади ва у ўз фаолиятини Тошкентда олиб боради. “Ўзбектелеком” миллий телекоммуникацион инфратузилма тизимида халқаро ва шаҳарлараро алоқа хизматларини кўрсатиш бозорида монопол мавқега эга.

2003 йил компаниянинг хизматларини реализация қилишдан тушган тушум 76.078.857 минг сўмни ташкил этди. Компаниянинг соф фойдаси эса 3.306.966 минг сўм ёки 3.404.3 минг АҚШ долларни ташкил этади. 2004 йилнинг биринчи ярим йиллигида бу кўрсаткичлар мос равишда 50.387.689 минг сўмни ва 3.629.873 минг сўмни ташкил этди. Келтирган кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, компания молиявий аҳволи барқарор ҳисобланиб, мавжуд лойиҳани амалга ошириш учун барча шароитлар мавжуддир.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 августдаги “2010 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси телекоммуникацион тизимни реконструкция қилиш Давлат Дастури”нинг биринчи босқичининг амалиётга жорий этилиши натижасида рақамли магистрал тизим яратилиб, 51 та туман марказларида рақамли АТС лар ишга туширилади.

2002-2010 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг асосий вазифаларидан бири бу телекоммуникацион тизими инфратузилмасини ривожлантириш, маҳаллий тизимни реконструкция қилиш ҳамда замонавий алоқа тизимларини қисқа муддат ичида ўрнатишдан иборатдир. Давлат Дастури лойиҳасидан келиб чиқиб, 2007 йил охирига қадар 128,3 рақамга эга бўлган рақамли АТСларга ишга туширилди. Шулардан 50,8%и қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштирилди. 2002-2010 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури реализациянинг асосий салмоғи “Ўзбектелеком”га юклатилганлигини инобатга олиб, ушбу лойиҳани амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

“Ўзбектелеком” телекоммуникацион тизимида жаҳонга машхур “NTC”, “Siemens”, “Alcofel”, “Daewoo”, “Huawei” компанияларининг технологияларидан кенг фойдаланилади. Мавжуд лойиҳа бўйича керакли технологиялар тендер асосида компания билан узоқ иш тажрибасига эга фирмалар маҳсулотларидан олинади. Асосий хом ашё тури электр энергияси ҳисоблананиб, барча объектлар бу хом ашё тури билан тўлиқ миқдорда таъминланган. Қурулиш якунланиб объект ишга тушириш даврида мол етказиб берувчилар билан тузилган шартномаларга муофиқ бегиланган муддатларда қўшимча эҳтиёт қисмлар, технологиялар етказиб беради.

Лойиҳага бўлган эҳтёж 299.450 рақамга тенг. Асбоб-ускунани етказиш, монтаж қилиш тендерда ғолиб чиққанлар билан шартнома тузиш даврида келишилади.

Юқорида таъкидланганидек, асосий хом ашё бўлиб электр энергияси ҳисобланади. Барча мавжуд объектлар бу турдаги хом ашё билан тўлиқ

миқдорда таъминланган. Лойиҳани амалга оширишда қўшимча харажатлар талаб этилмайди. Компания ва унинг филиалларида ҳаммаси бўлиб 20.000 та юқори малакали ходимлар фаолият юритиб, шулардан 8500 таси инженер технологдир. Ишлаб чиқариш самарадорлиги жиҳатдан компания Россия операторлари билан рақобатлаша олади.

Янги рақамли технологияларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш фаолиятини радиолакализация қилиш натижасида компания қадам-бақадам ўз ходимлари сонини камайтириб бормоқда.

Лойиҳанинг умум қиймати 8.505.600 АҚШ долларини ташкил қилади. Лойиҳанинг молиялаштириш манбалари: 2004 йил 19 июлдаги Вазирлар Маҳкамасининг 338-сонли қарорига мувофиқ Хитой Халқ Республикасининг 8.000.000 АҚШ доллари миқдордаги кредити, қолган 505.600 АҚШ доллари корхонанинг ўз маблағлари. Кредит шартлари: банк – Эксимбанк; қиймат - 8.000.000 АҚШ доллари; муддати - 15 йил АҚШ доллари; фоиз ставка – йиллик 4 фоиз; асосий қарзни қоплаш муддати - 6 чи йилдан бошлаб тенг улушларда ҳар чорақда қопланади (2004 йил 29 сентябрдаги курс - 1 АҚШ долл. = 1,040 сўм).

Лойиҳани амалга ошириш жойи - Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри ва вилоят ҳудудларида. Лойиҳанинг самарадорлиги қуйидаги давлатнинг телекоммуникацион бозорини иқтисодий таҳлил қилиш ва бозорда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш натижасида олинган хулосалар исботлайди:

- хизматларга талабларнинг юқори суръатларда ўсаётганлиги;
- жаҳон стандартларига жавоб берувчи замонавий асбоб ускуналарни қўллаш натижасида ўзига қўшилган қийматни олган янги қўшимча хизматларни кўрсатиш имкониятининг мавжудлиги;
- коммуникацион ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, маълумотлар тизимда жўнатиш имкониятини яратиш ва бошқалар.

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар кредитни қоплаш учун қуйидагаларни инобатга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилинди. Маҳаллий ва шаҳарлараро алоқалар учун таърифларнинг ўсиши - 5%; 8 минут учун нормативдан юқориси - 3,5 сўм; абонентлар сонининг ўсиши - 2%; шаҳарлар ва халқаро алоқалар хажмининг ўсиши - 5%.

Кредит хажмидан келиб чиқиб, коммуникацион тизимдаги 1 та номер 26,7 АҚШ долларини ташкил этади.

Лойиҳанинг самарадорлиги кўрсаткичлари ҳисоб-китоби:

- соф жорий қиймат - 64180954 АҚШ долларини;
- ички даромадлик нормаси - 33%;
- қопланиш муддати - 6 йил 8 ой.

Лойиҳага таъсир этувчи рисклар ичида маркетинг рисклари мавжуд бўлиб, бу риск даражасини камайтириш чора-тадбирларини қай даражада олиб борилишига бевосита боғлиқдир.

Ушбу лойиҳанинг амалиётга жорий этилиши натижасида “Ўзбектелеком”нинг рақамлаштириш тармоғи даражасини кўтаришга, абонентларни қўшимча янги сифатли хизматлар билан таъминлашга, Интернет тармоғига тезроқ кириб боришига хизмат қилади. Телекоммуникацион тизимда ОНС №7нинг қўлланиш истеъмолчилар учун замонавий хизматлардан фойдаланиш истиқболларини белгилаб бериб, интеллектуал хизматлар реализациясини йўлга қўяди. Лойиҳа абонентлар сонини кенгайтириб, аҳолининг алоқа хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Шу билан бир қаторда халқаро ва шаҳарлараро алмашинувни кенгайтириб, уяли алоқа тизимини янада ривожлантиришда алоқа станция хизматларини жаҳон стандартлари даражасига етказиб компания даромади кўпайишига олиб келади.

Юқорида келтирилган маълумотлар “Ўзбектелеком” молиявий ҳолатининг мустаҳкамлигини яна бир бор исботлаб, ушбу лойиҳани кенг қўламда амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

3-БОБ. ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН МОЛИЯЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Маълумки, давлат инвестициясининг аҳамияти режали иқтисодиётда алоҳида ўрин тутди, лекин бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг роли катта ва айрим тармоқларни молиявий қўллаб-қувватлашда жуда ҳам зарурдир. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, давлат айрим тизимларни шаклланишига, ишлаб чиқаришни ўсишида бошланғич манбаларини ташкил этилишига ёки ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаши лозимдир.

Давлат бюджети ҳисобидан инвестицияларини молиялаштиришда, уларни стратегик ривожланишда аҳамиятга эга бўлган, лекин келажакда тез самара бера олмайдиган тармоқлар ва илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлашга қаратилиши лозим.

Бутун дунёда давлат бюджети маблағлари асосан йўл қурилиши, шаҳар ободончилиги ва ишлаб чиқариш инфратизимларини ривожланиши каби умумий миқёсдаги ишларга сарфланади.

Бозор иқтисодиётининг бозор механизми шароитида давлатнинг роли аста-секин торайиб бориб, фақат давлат миқёси даражасидаги вазифалар қолади. Яъни, ижтимоий соҳанинг бошланғич таълими, соғлиқни сақлашнинг тез тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси, давлат бошқаруви ва бошқаларни молиялаштириш бюджет ҳисобида амалга оширилади.

Ҳозирги бозор иқтисодиётининг ривожланиши шароитида бюджет ҳисобидан молиялаштирилаётган тармоқларнинг асосий вазифаси шулардан иборат бўлиш керакки, улар томонидан сафарбар этилаётган бюджет маблағларини самарадорлигини ошириш ва бюджетдан маблағ ажратишда тўғри молиявий қарорлар қабул қилиниши керак. Бюджет маблағларини ажратишдаги қабул қилинадиган қарорлар эса бюджет маблағларини режалаштириш билан боғлиқдир.

Маблағлар тақсимланиш жараёнида ҳудудларнинг ривожланиш жараёни ва уларнинг бошқа характерлари жиҳатига қараб тенг тақсимланмайди. Мамлакатнинг ривожланиш жараёни, ҳудудлар бўйича ҳам бир маромда бориши лозим. Масалан, мамлакатимизда индустриал ривожланган Тошкент, Самарқанд, Навоий, Андижон, Фарғона каби қатор вилоятлар мавжуд. Худди шу каби индустриал ёки бошқа жиҳатлардан орқада қолган вилоятлар ҳам, улар каби бир маромда ривожланиб бориши лозим. Бунинг учун жойларда маҳаллий хокимиятларнинг ролини ошириш ва уларнинг даромад базаларини мустаҳкамлаш мақсадида давлат бюджети параметрларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бизнинг фикримизча, жойларга эркинлик бериб, маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш керак. Республика ва маҳаллий бюджетларга тушадиган солиқ турларини қайта таҳлил қилиб чиқиш керак. Бундан ташқари, бюджет ҳисобидан инвестициялашни молиялаштиришдан аввал унинг лойиҳаларини танловига эътибор бериш, давлат экспертизасини чуқур ўтказиш ва молиялаштирилаётган лойиҳалар ҳаётий ва экспортбоб бўлишларига асосий эътиборни қаратиш лозим. Албатта, экспортбоб лойиҳалар ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришга урғу беришни ифодалайди. Бу билан “ишлаб чиқариш соҳаларини хусусий ва бошқа секторлар молиялаштириши керакку?”, деган савол тугилади. Бу лойиҳалар ижтимоий самара берадиган масалалар, яъни улар миллий кадрлар тайерлаш бўйича катта аҳамиятга эга.

Ноишлаб чиқариш соҳасида эса соғлиқни сақлаш тармоғи молиялаштирилиши керак, лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш ва уларни техник-иқтисодий таҳлил қилиб чиқиш лозим. Бундай ноишлаб чиқариш соҳаларини молиялаштиришни маҳаллий бюджетга бериш керак. Давлат бюджети ҳисобидан эса давлат аҳамиятига эга бўлган тармоқлар молиялаштирилиши лозимдир.

Шуни ҳам айтиш жоизки, инвестицион фаолиятни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлашни такомиллаштиришда хориж тажрибаларини чуқур ўрганиш ва танқидий ўзлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Ривожланган мамлакатларда иқтисодий харажатлар таркибида капитал қўйилмаларга маблағ солиш алоҳида ўрин тутаети ва улар хўжалик конъюнктураси ва иқтисодий ривожланиш, ички бозор ҳажми ва талаб ҳолати ёрдамида қандайдир миқдорда таъсир этади. АҚШ Молия вазири капитал қўйилмалар тўғрисида: “Кўп қиррали иқтисодий, сиёсий ва социал омиллар ичида иқтисодий ривожланиш суръатларига капитал қўйилмалар кўпроқ таъсир этади¹”, деб таъкидлайди.

Давлат капитал қўйилмалари умумишлаб чиқариш жараёнида асосий омиллардан бири ҳисобланади. Чунки, асосий капитални кенгайтириш ва яратиш манбалари капитал жамғармаларни рағбатлантириш воситаларига боғлиқ.

Ривожланган давлатларда бюджет маблағлари ҳисобига иқтисодиётнинг таркибий тизимида ўзгартиришлар киритиш учун янги ва ривожланаётган тармоқларни ривожлантиришга ҳаракат қилинади. Бунга яна маълум миқдорда илмий тараққиёт ва мураккаб технологик тармоқларни ҳам киритиш мумкин. Чунки бу тармоқларни ривожлантиришга оддий қилиб айтганда, хусусий капитални иконияти йўқ. Бу тармоқларни ривожлантиришда бошланғич харажатларга катта маблағлар йўналтириш ва уларни ўзлаштириш узок вақт талаб қилинади. Улар айрим ҳолларда яхши натижа бермаслиги ҳам мумкин. Бу тармоқларни тез суръатлар билан ўсишида ва тармоқлар тизими ўртасида ишлаб чиқаришни сифатли ўзгартиришда, саноат ва миллий хўжалик соҳаларида тармоқлар ўртасидаги тенгликка таъсир этишда давлатнинг иштироки уни ривожлантириш имкониятини яратади.

¹ Финансы капитализма: Учебник/ Б.Г. Болдырев, Ф59 Л.П.Окунева, Л.П.Павлова и др., Под ред. Б.Г.Болдырева. - М.: Финансы и статистика, 1990.- 384с.: ил. - С 161.

Давлат секторининг ҳиссаси катта бўлган мамлакатларда (Буюк Британия, Франция, Италия, Австрия) бюджет маблағларининг катта қисми иссиқлик-энергияси ва металлургия саноати, транспорт, алоқа, атом-энергетикаси тармоқлари каби давлат корхоналарига йўналтирилади. Бундай тармоқларда асосий капиталнинг нархи юқори ва алоҳида тарзда катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, бу кўрсатилган тармоқлар умумий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлашда алоҳида рол ўйнайди. Уларни замонавий техникалар ва янги бошқариш услублари асосида ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

1980 йилларда бозор иқтисодиёти шароитидаги мамлакатларда давлат капитал қўйилмалари ҳиссасининг (давлат корхоналари капитал қўйилмалари қўшилган ҳолда) умумий ҳажмини пасайиши иқтисодий циклни узоқ муддатли “Ўсиш фазаси” даври деб юритилди. Бундан ташқари, давлат мулкларини хусусийлаштириш сиёсати натижасида давлат сектори сезиларли даражада қисқарди. Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитидаги мамлакатларда капитал қўйилмалар кўпи билан 20-25 фоизни ташкил қилган. Иқтисодиётга таъсир этувчи давлатнинг зарур йўналиши бўлиб, кўпгина иқтисодий ва социал муаммоларни ечишда катта аҳамиятга эга бўлган илмий-техник жараённи рағбатлантириш ҳисобланади.

Илмий-техник жараён умумишлаб чиқариш тизимларида, янги тармоқларни ва ишлаб чиқариш турларини яратишда, иқтисодиётни самарадорлигини оширишда, модий ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари тармоқларида банд аҳоли ўртасидаги қайта тақсимланиш жараёнларида катта ўзгаришлар юз беришига олиб келади. 1970 йилнинг охирида АҚШда қишлоқ хўжалиги билан 3,5 фоиз аҳоли, саноат билан 24 фоиз ва ноишлаб чиқариш соҳаси билан 70 фоиз атрофидаги жами ўз фаолиятини юргизувчи аҳоли банд эди.

Илмий-техник жараён капитал жамғаришга, уни жамланишини кучайтиришга, монополлашган капитал бирлашишини янги шакллари яратилишига таъсир этади.

Ривожланган мамлакатларда давлат илмий ва назарий тадқиқотларни боришига фаол аралашади ва бу тадқиқотларнинг асосий йўналишларини, уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга киритишни мувофиқлаштиришга ҳаракат килади. Улар илмий-тадқиқот, конструкторлик-тажриба ишларини ривожланишига жуда катта маблағ сарфлайдилар. 1980 йилнинг иккинчи ярмида АҚШ илмий-тадқиқот ва конструкторлик-тажриба ишларига умумий йиллик маблағларнинг 47 фоизини сарфлаган ёки бу федерал харажатлар қисмининг 130 млрд. долларга яқин қисмидан 60 млрд.доллар атрофидаги миқдорни ташкил қилган.

Ғарбий Европа, Канада ва Японияда илмий-тадқиқот ишларига катта бюджет маблағлари йўналтирилади. Бунинг учун ушбу мақсадга 25-40% умумий харажатларга нисбатан маблағ йўналтиришга эришган. Бу маблағларни йўналтириш охириги йилларда харбий тавсифга эга.

1987 йилда АҚШда илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларига йўналтирилган федерал харажатлар умумий харажатларга нисбатан 70 фоизни ташкил қилган. Бундан ташқари, бир қатор ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Буюк Британия) охириги йилларда ривожланишнинг истиқболини тўғри белгилай олиш натижасида илмий-техника сиёсати устувор йўналишлардан бири ҳисобланган. АҚШда мукамал равишда тадқиқот ишлари олиб боришни рағбатлантириш билан илмий-техник ва иқтисодий жараённи ривожлантириш учун тахминан 15 млрд. доллар атрофидаги маблағ сарфланган.

Аҳолининг ижтимоий-маданий ҳаёти ва моддий ишлаб чиқариш соҳаси вазифалари шартларини таъминлаш мақсадида комплекс тармоқлар, корхоналар, объектларни, яъни ишлаб чиқариш ва ижтимоий

инфратузилмаларни давлат ҳисобидан молиялаштириш умумий харажатларнинг хўжалик ҳаётига аралаштиришида алоҳида ўрин тутди.

Барча транспорт ва транспорт қурилиши (автойул, портлар, аэродром ва бошқалар), алоқа воситалари (телефон, телеграф ва бошқалар), электр, газ, сув таъминоти, ирригацияни модернизациялаш - ишлаб чиқариш тизимига киради.

Ижтимоий инфратизимга эса соғлиқни сақлаш ва ўқув муассасалари, яшаш фонди, маданият ва спорт тадбирлари киради.

Капитал ҳажми юқори ва кам рентабелликка эга бўлган тармоқларни, объектларни, яъни инфратизимларни тиклаш, ташкил этишда давлатнинг иштироки каттадир. Хусусий капитал эгалари томонидан эса бундай монопол соҳаларнинг ёрдамчи қурилиш ишларига қилинадиган харажатларни иқтисод қилишда кўмаклашади. Давлат иштирокида инфратизимларни ривожлантиришда АҚШ, Германия, Япония мамлакатларини мисол қилиш мумкин. Бу мамлакатларда харажатларнинг аҳамиятли қисми федерал бюджет ва маҳаллий ҳокимият органлари орқали амалга оширилади.

АҚШда катта харажатлар асосан йўл қурилиш ишларига, аэропорт қурилишига, ижтимоий объектларга сарфланади.

Инфратизимни ривожлантириш куйидаги вазифаларнинг бажарилишига кўмаклашади: монопол соҳалар ишлаб чиқаришида муомала харажатларини камайтириш ва даромадларини оширишдан мақсад жамғарилган хусусий капитални қайта ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сарфлашдир. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратизимни ташкил этиш иқтисодий муҳитни яхшилашга, миллий хўжалиқда рақобатни ривожлантиришга ва умумий ишлаб чиқаришни ривожлантириш суръатларини оширишга олиб келади.

Ҳар бир давлат ўз иқтисодиётини ривожлантиришда ўзиги хос бўлган йўналишдан боради, юқорида айтиб ўтилган харажатларни давлат

Федерал бюджетнинг “Табиат ресурслари ва атроф-муҳитни қўриқлаш” моддаси харажатлари 1977-1985 йилларда 10 млрд. доллардан 13,4 млрд. долларга қадар ўсган. Кейинги йилларда фуқаролар харажатларини қисқариши сиёсати таъсирида улар бир мунча камайган.

Давлатнинг қўллаб-қувватлаш эҳтиёжига эга бўлган, яъни хўжаликнинг алоҳида тармоқларида субсидия иқтисодий харажатларнинг бир турига киради. Агар давлат инвестициялари асосан давлат корхоналарига, инфратизимга, илмий-тадқиқот ишларига йўналтирилса ва монопол тармоқларни қўллашда билвосита рол ўйнаса, субсидия хусусий капиталга тўғридан-тўғри ёрдам беришни ўзида намоён этади. Давлат субсидияси ҳар хил шаклларга эга бўлиб, алоҳида ҳолларда зарарларни, мукофотларни, экспортни кенгайтиришнинг келгуси вазифаларини ёки янги корхоналар қурилишини, Германияда кенг тарқалган кафолатларни ва бошқаларни қоплашга йўналтирилган дотациядир.

Субсидиянинг асосий вазифаси кам даромадлиликни қўллаш, фақат, хўжаликнинг умумий ишлаб чиқариш тармоқлари ва миллий иқтисод учун зарур бўлиши керак.

Давлат субсидиясининг ривожланган мамлакатларда кенг тарқалиши, миллий даромадни қайта тақсимлаш ҳисобига қўшимча молия ресурсларини монополия тармоқларига тақдим этишни билдиради. Улар ишлаб чиқариш билан бир қаторда қишлоқ хўжалигини, ташқи савдони ва транспортни қамраб олади. Масалан, Буюк Британияда алоҳида йиллари қуруқликда авиация қурилиши, ип-газлама, алюмин саноатига давлат субсидияси берилган. Қишлоқ хўжалик соҳасида улар ирригация, мелиорация, йўл қурилиши, ўрмончилик хўжалиги, балиқчиликка йўналтирилган.

АҚШда қишлоқ хўжалигидан ташқари, субсидиялар қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархларини юқори даражада ушлаб туриш мақсадида кундалик жойларни қисқартиришни рағбатлантириш учун берилган. Бундан

каттароқ маблағлар эса транспорт, айрим ҳолларда, темир йўлларига берилган. Федерал хокимиятлар вақти-вақти билан қазиб олиш (тоғ рудаси) саноатини субсидиялаштирган. Германияда асосий субсидиялар тоғ рудалари ва нефть саноатига, қишлоқ хўжалигига ва уй-жой қурилишига берилган.

Экспорт субсидиялари нафақат иқтисодий, балки сиёсий характерга эгаллиги жиҳатидан ривожланган мамлакатларда кенг тарқалган. Бундай субсидиялар монополия тармоқларига арзон нархларни ўрнатиш ҳисобига маҳсулот экспорт қилиб, таъминот бозорида қаттиқ қураш олиб бориш, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар бозорига ўзининг маҳсулотларини киритиш, у ерда миллий маҳсулотлар билан рақобатлашиши имкониятини беради. Бундан ташқари, иқтисодий харажатларга маҳаллий хўжаликларнинг харажатларини бир қисмини қоплаш учун маҳаллий хокимият органларига бериладиган давлат бюджети субсидияларини ҳам киритиш мумкин. 1970 йилларда ривожланган давлатларда субсидиялар маҳаллий бюджет даромадларини 20-46 фоизини ташкил қилган. Маҳаллий бюджетларга бўлган ёрдам шаклини катта қисми Буюк Британия, АҚШ, Франция каби мамлакатларда эришилган¹. Охириги йилларда субсидиянинг бундай шакллари борган сари мақсадли характерга эга бўлиши билан маҳаллий хокимият органларининг молиявий ҳолатини кўтарилиши камаймоқда.

Шундай қилиб, ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида инвестицияларни бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ўзига хос хусусиятга эга. Бунда давлат стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқларни молиялаштиришни ўз зиммасига олган.

Ўзбекистонда давлат бюджет ҳисобидан инвестициялаш объектларини қуриш ва уларни молиялаштириш жараёнларида бир қанча муаммолар мавжуд. Мисол тариқасида, бюджет маблағлари ҳисобига қурилаётган

¹ Финансы капитализма: Учебник/ Б.Г. Болдырев, Ф.П. Окунева, Л.П. Павлова и др., Под ред. Б.Г. Болдырева. - М.: Финансы и статистика, 1990.- 384с.: ил. – С 161.

объектларни олиш мумкин. Бу объектлар қурилиши учун ўтказилаётган танлов (тендер) савдолари ҳозирги кунда, асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилиш танлови савдолари тўғрисида”ги Тартибдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда¹. Ушбу тартиб бўйича танлов (тендер) савдолари асосан қуйидаги тартибда ўтказилмоқда.

Танлов (тендер) савдосининг иштирокчилари тендер ҳужжатларини буюртмачидан алоҳида тарзда оладилар. Танлов иштирокчилари ўтказиладиган танлов савдосининг ҳаражатларини ўз зиммаларига оладилар ҳамда ҳар қандай ҳолатда танлов савдоларини ўтказиш ҳаражатлари ва унинг натижалари буюртмачи зиммасига мажбурият қилиб юкланмайди. Оферентларнинг танлов комиссиясига тақдим қилинадиган танлов савдоси ҳужжатлари танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

Танлов иштирокчилари биринчи навбатда танлов ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, объектда бажариладиган ишларни ҳисоблаб кўриб, оферент сифатида ўзининг оферта (тендерга келиб тушган таклифлар) ларини беради. Танлов савдоси таклифларини иккита пакет таснифлайди, биринчи ва иккинчи. Биринчи пакет таркибига кирувчи ҳужжатларга танлов савдоси қиймати билан боғлиқ бўлмаган барча ҳужжатлар киради:

- танлов иштирокчиси ўз ташкилотининг (ишлаб чиқариш) тузулмаси (участка, цех, база, бетон узеллари ва бошқаларни чизма тарзида);

- танлов иштирокчисининг умумий маълумоти (ташкилот номи, манзили, ҳуқуқий статуси, раҳбар ва унинг муовинлари, доимий ва вақтинчалик ишчиларининг сони, 10 йилдан ортиқ ишлаган мутахассислари);

- бажариладиган ишлар, материалларни билан таъминлаш, монтаж ишлари ва бошқаларни бошланиш ва тугатиш саналари тўғрисидаги маълумот;

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 августдаги 305-сонли қарорига 2-илова.

- танлов иштирокчисининг охириги 3 йиллик молиявий ҳолати тўла акс эттирилган ҳужжат;

- танлов иштирокчисининг охириги 3 йил мобайнида бажарган ишлари юзасидан малакаси бўйича маълумоти (қабул қилиш далолатномаси, ҳокимият қарори ва бошқалар);

- охириги 3 йилдаги асосий фаолият тури;

- танлов савдосининг барча ҳужжатлари билан тўла танишиб чиқиб, қурилиш майдончасини қуриб чиққанлиги тўғрисидаги маълумот;

- танлов иштирокчиси ўз таклифи билан биргаликда қурилишнинг умумий лойиҳаси (қурилиш бошлойиҳаси, вақтинчалик йўллар ва бинолар, омбор майдончаси ва бошқалар);

- пудратчининг қурилиш ишлари жараёнида ишлатиладиган воситалар, машина ва механизмларлар рўйхати;

- пудратчининг қурилиш хом ашё ва материаллари рўйхати;

- кафолат хати илова қилинган ҳолда таклиф этилган субпудратчиларнинг рўйхати.

Иккинчи пакет ҳужжатларига эса фақат таклиф таркибини ташкил қилувчи барча нархлар, тарифлар ва жамланган суммаларни ташкилий ҳужжатлар киради: лойиҳани бажаришлиги тўғрисидаги ариза; келишув; қурилишнинг умумий жадвали; танлов савдоси предметининг 10%и миқдорида банк кафолати; объект қийматининг умумий рўйхати, иш хажмининг рўйхати ва объектнинг асосий материаллар харажатлари рўйхати; шартнома шартлари.

Танлов ғолиби, ўз офертасининг кучини буюртмачининг фойдасига қуйидаги ҳолда йўқотади: унинг офертаси аниқланган ҳолда шартномага қўл қўйишдан бош торган тақдирда; шартнома шартларида талаб қилинган шартларни бажаришдан бош тортганда. Танлов ғолиби - пудратчи, ғолиб деб эълон қилинган кундан бошлаб 3 кун муддат ичида, буюртмачининг

шартнома шартларини бажаришга киришиш керак, кафолат миқдори эса танлов предмети қийматининг 10 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

Ҳозирги кун амалиётида ўтказилаётган танлов (тендер) савдолари кўпчилик ҳолатларда қуйидаги тарзда амалга оширилмоқда. Амалиётда ўтказилаётган танлов (тендер) савдолари ҳудудларда юзаки равишда ўтказилмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, пудрат ишларининг тендер савдоларида, пудратчининг молиявий аҳволи ва қурилиш ишларидаги малакасининг даражалари ҳеч қандай камчиликларсиз, бир ёки икки иштирокчилар билангина ўтказилмоқда. Ваҳоланки, танлов савдоларида камида 3 та талабгор қатнашиши шарт бўлса ҳам. Шунингдек, пудратчи-талабгорлар (претендент) танлов савдоси ҳужжатларини олиб, яни объект лойиҳаси билан танишиш, қурилиш майдончаларини танлаш ва бошқа ҳужжат ишлари билан танишиш ишларини амалга ошириб чиққандан сўнг, бира йўла оферент сифатида ўзининг офертаси (2 та пакет)ни тақдим қилиш билан танлов савдосига чиқиб боради. Танлов савдосида 1-пакет шартларини кўриб чиқиш билан ёлиб оферент аниқланган ҳолда 2-пакет шартлари кўриб чиқилади. Натижада танлов савдосида яқка оферентнинг офертаси қабул қилинади ва у танлов ёлиби ҳисобланади. Бундай танлов олиб бориш билан капитал қўйилмаларга сарфланаётган бюджет маблағларидан биз кутган даражада самара ололмаслигимиз мумкин. Шунинг учун, ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида, бюджет маблағлари ҳисобига қурилатган қурилиш объектларига ўтказилаётган танлов (тендер) савдоларини ҳар қандай бюджет ҳисобига қурилиётган объектлар учун икки босқичли танлов савдосини ўтказиш таклифи тавсия қилинади.

1. Пудратчиларни танлаш барча ҳолатларда икки босқичли пудрат ишлари танлов (тендер) савдоси асосида амалга оширилиши керак;

- биринчи босқичда тендер комиссияси томонидан талабгор (претендент)лар кўриб чиқилади. Унда талабгорларнинг (претендент)

молиявий аҳволи, қурилиш жараёнини олиб боришдаги амалий тажрибаси, ишчиларининг сони ва техник воситалар билан таъминланганлиги кўриб чиқилиши шарт ва бошқа ҳужжатлар ҳам кўриб чиқилади;

- иккинчи босқичда биринчи босқични ўтаган оферентларнинг оферта лари (таклиф) кўриб чиқилиши керак. Оферентлар камида 3 та бўлиши шарт. Унда объектни қуриш учун таклиф қилинган шартномавий нарх ва қурилиш муддати кўриб чиқилиши ҳамда шартнома тузилиши лозим.

Бундан ташқари, амалда Адресли рўйхатга киритилган қурилиш объектларининг танлов (тендер) савдолари орқали унинг ғолиби аниқлангандан сўнг, буюртмачи ва пудратчилар ўртасида пудрат шартномалари тузилади. Амалиётда, бу пудрат шартномаларда қурилиш объектининг қиймати “очиқ” нархларда тузилмоқда. Пудрат шартномасини “очиқ” нархларда тузилишидан мақсад, пудратчи томонидан қилинган ҳақиқий харажатларни бюджетдан қоплаб боришни кўзда тутишдир. Чунки, бюджет ҳисобидан қурилаётган объектларда пудратчилар томонидан қилинаётган ҳақиқий харажатлар объектнинг кўзда тутилган шартномавий қийматидан паст бўлган ҳолларда, буюртмачи томонидан қийматлар ўртасидаги фарқлар пудратчига қоплаб берилмаяпти. Натижада, пудратчилар томонидан қурилиш объектларини кам харажат билан қуришга қизиқиши йўқолиб бормоқда. Бу камчиликларнинг барчаси қурилиш объектларида бюджет маблағларидан самарасиз фойдаланилаётганлигини билдирмоқда. Бунинг натижасида, қурилишларнинг Адресли рўйхатида кўзда тутилган объектнинг қиймати, йил давомида ўсиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида, бюджет ҳисобидан йил давомида бир неча маротаба қўшимча лимитлар ажратиш билан Адресли рўйхатларга аниқликлар киритилишига олиб келмоқда.

Фикримизча, бу камчиликларни ечиш мақсадида қуйидаги тадбирлардан фойдаланиш фойда келтиришдан ҳоли эмас:

- буюртмачи билан бош пудратчи ўртасидаги тузилган шартномалар танлов (тендер) савдолари натижалари бўйича тузилиши керак Қурилиш объектларида ишларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида, тендер савдолари шартларида ва шартномада бош пудратчилар томонидан албатта қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг камида 50 фоизини албатта ўз кучи билан бажарилиши кўриб чиқилиши керак;

- шартномада бажариладиган ишларнинг ҳажми, қурилиш муддатидан келиб чиққан ҳолда даврлар бўйича (чорак, йил) тақсимланиши керак;

- пудрат ишларининг шартномавий нархлари, кейинчалик ўзгармаслик шarti билан қурилишнинг биринчи йилида “ёпиқ” бўлиши ҳамда кейинги йилларда шартномавий қийматнинг ўсиши республика ялпи ички маҳсулоти дефляторидан келиб чиққан ҳолда аниқланиши керак;

- пудрат шартномасида иш ҳажмининг бажарилиш жадвали ва маблағлар билан молиялаш ойларга тақсимланган ҳолда илова қилиниши шарт, ушбу жадвални бажарилиши бузилган ҳолларда, айбдор томонларга “қаттиқ” молиявий санкцияларни қўллаш кўриб чиқилиши лозим;

- буюртмачиларнинг қурилишлар адресли рўйхатига қурилишнинг янги объектларни киритиш, фақат пудрат шартномаларига асосан тендер натижалари бўйича “ёпиқ” нархларда, кейинчалик ўзгариш киритилмаслик шarti билан киритилиши керак.

Шуни айтиб ўтиш керакки, республикада қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича ишларни янада кучайтириш бундан буён ҳам бизнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегик вазифамиз бўлиб қолиши даркор. Шу мақсадда Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитаси тижорат банклари билан биргалиқда банкларнинг инвестицион фаолиятини рағбатлантириш бўйича ўз таклифларини кўриб чиқиш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этишни тезлаштиришлари лозим. Бунда ўз маблағлари ҳисобидан истиқболли тармоқлар ва ҳудудларни инвестициялаш учун ўрта

ва узоқ муддатли кредитлар ажратишда улуши юқори бўлган банкларга солиқ имтиёзлари бериш назарда тутилиши керак.

Шунингдек, ҳозирда муҳокама қилиниши лозим бўлган мамлакатимизга янги сармоялар оқими келиши йўлидаги тўсиқ ва чеклашларни олиб ташлаш бўйича ечимини кутаётган долзарб муаммолар ҳам мавжуд. Бунга мисол қилиб, конвертациялаш муаммосини олиш мумкин. Бундан ташқари, долзарб масалалардан бири Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридир. Бу дастур мамлакатимиз келажаги учун катта аҳамиятга эга. Биз бугун мазкур дастур доирасида бажарилган ишларни танқидий баҳолашимиз, бу йўлда қандай муаммоларга дуч келганимизни, дастурда белгиланган мақсад ва вазифаларни тўла амалга ошириш учун яна қандай чора-тадбирлар кўришимиз зарурлигини аниқ белгилаб олишимиз лозим.

Мамлакатимизда сўнгги йиллар мобайнида бир қанча академик лицей ва касб-хунар коллежлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу мақсадлар учун 200 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар республика бюджет ҳисобидан инвестиция қилинди. Лицей ва коллежларни ўқув-лаборатория қуроллари, таълимнинг техник воситалари, машина ва механизмлар билан жиҳозлаш учун республика бюджети ҳисобидан 6 миллиард сўмдан ошиқ миқдорда маблағ ажратилди. Шу мақсадда Корея давлати ва Осиё Тараққиёт банкининг кредитлари жалб қилинди, Япония ҳукумати билан кредит ажратиш масаласи ҳал этилмоқда.

Шу билан бир қаторда, мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда, бу борада олдимизда турган вазифаларни ечиш учун янги ёндашувларни излаб топишимиз керак. Бунда асосий эътиборни сифат масаласига, ажратилаётган ресурслар ва моддий база имкониятларидан янада самарали фойдаланишга қаратиш даркор.

Бугунги кунда бюджет маблағларини ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминлашнинг ҳозирги ҳолатини ҳисобга олиб, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг ишга туширилиш муддати билан боғлиқ

кўрсаткичларга муайян ўзгаришлар киритиш зарурати пайдо бўлди. Бунда айниқса, қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларининг бўшаган ва фойдаланилмаётган бошқа биноларини таъмирлаш, улар асосида янги коллежлар барпо этиш ишларига алоҳида эътибор бериш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, инвестицияларни давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштиришда, бизнинг фикримизча, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир: мамлакатнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқларини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўллаб-қувватлашни давом эттириш; бюджет ҳисобига амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларнинг танловини, давлат экспертизасини чуқур ўтказиш; инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда давлат бюджети маблағларининг ҳудудлар бўйича мутаносиб тақсимланишига асосий эътиборни қаратиш; бюджет маблағлари ҳисобига қурилаётган қурилиш объектларига ўтказилаётган танлов (тендер) савдоларини ҳар қандай бюджет ҳисобига қурилиётган объектлар учун икки босқичли танлов савдосини ўтказиш ва бошқалар.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Инвестиция лойиҳаларини давлат бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришни такомиллаштириш мавзуси юзасидан олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини берди:

- давлат бюджети умумдавлат пул маблағлари фондининг иқтисодий кўринишида ташкил топишининг асоси бўлиб, у жамиятнинг умумий пул маблағлари фондлари тизимида асосий ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, у ишлаб чиқаришнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, унинг мазмуни ва таркибини аниқлайди ҳамда ишлаб чиқариш ривожланишидаги зарурий тангликларини ва ижтимоий эҳтиёжларни таъминлашга замин яратади. Давлат бюджетининг моҳияти - жамият хўжалик тизимининг характери билан бозор иқтисодиётидаги иқтисодий қонунларни таъсири, давлатнинг табиати ва вазифалари билан белгиланади;

- давлат ўз вазифалари бажариш жараёнидан бир қатор харажатлар қилиши зарур, булар энг аввало, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун турли тармоқларга инвестиция қилиш мўлжалланган, аҳолининг турмуш даражасини кўтаришга ҳамда ижтимоий вазифаларни бажаришга қаратилган, давлатни бошқариш, мудофаани таъминлаш каби аниқ мақсадларга йўналтирилган, режалаштирилган харажатлардан иборат бўлади;

- Ўзбекистон Республикасининг бозор муносабатларига ўтишида давлат харажатлари ўзгариб бормоқда ва бунинг асосий сабаби мулкка бўлган муносабатларнинг ўзгаришидир;

- давлатнинг иқтисодиётига аралашунинг асосий йўналишларидан бири илмий-техникавий ривожланишига кўмаклашувидир, бунинг ривожланиши кўпгина иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради ва иқтисодиётда муҳим ўзгаришларга олиб келади, шунингдек, янги соҳаларнинг пайдо бўлишини, иқтисодий самарадорликни ўсишини,

соҳалараро бандликнинг тўғри тақсимланиши, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ўртасидаги муносабатнинг кучайишини таъминлайди;

- дунё тажрибаси шундан далолат берадики, ривожланишнинг турғун даврларида давлат иқтисодий жараёнларга ўз аралашувини кучайтиради, ҳатто, бозор механизмлари шаклланиб бўлган мамлакатларда ҳам бундай ҳолат кузатилиши мумкин. Давлатнинг роли асосан инвестицион турғунликни енгиб ўтишда муҳим аҳамият касб этади;

- иқтисодий жараёнларда давлатнинг роли бир томондан, иқтисодий воситалар орқали вазиятни тартибга солиб боришда кўринса, иккинчи томондан, инвестор сифатида бевосита инвестицион муносабатларда иштирок этиши билан белгиланади;

- бозор иқтисодиётининг бозор механизми шароитида давлатнинг роли аста-секин торайиб бориб, давлат миқёси даражасидаги вазифалар қолади. Яъни, ижтимоий соҳанинг бошланғич таълими, соғлиқни сақлашнинг тез тиббий хизмат кўрсатиш соҳаси, давлат бошқаруви ва бошқаларни молиялаштириш бюджет ҳисобида қолади.

Магистрлик диссертация ишида инвестиция лойиҳаларини давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги **таклиф-тавсиялар** ишлаб чиқилди:

- иқтисодиётни модернизациялаш ва бозор иқтисодиётининг ривожланиши шароитида давлат стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқларни (ишлаб чиқариш), шу билан бирга келажакда тез самара бера олмайдиган тармоқлар ва илмий-тадқиқот ишларини молиявий қўллаб-қувватлашга асосий эътибор қаратиши;

- иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги шароитида бюджет ҳисобидан молиялаштирилаётган тармоқларнинг асосий вазифаси шулардан иборат бўлиш керакки, улар томонидан сафарбар этилаётган бюджет маблағларини самарадорлигини ошириш ва бюджетдан маблағ ажратишда тўғри молиявий қарорлар қабул қилиниши лозим:

- инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда давлат бюджети маблағларининг ҳудудлар бўйича мутаносиб тақсимланишига асосий эътиборни қаратиш;

- бюджет маблағлари ҳисобига қурилаётган қурилиш объектларига ўтказилаётган танлов (тендер) савдоларини ҳар қандай бюджет ҳисобига қурилиётган объектлар учун икки босқичли танлов савдосини ўтказиш ва бошқалар;

- лойиҳаларни бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштиришда жойларда маҳаллий ҳокимият органларининг ролини ошириш ва уларнинг даромад базаларини мустаҳкамлаш (республика ва маҳаллий бюджетларга тушадиган солиқ турларини қайта таҳлил қилиб чиқиш асосида), давлат бюджети параметрларини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир;

- бюджет ҳисобидан инвестицияларни молиялаштиришдан аввал лойиҳаларнинг давлат экспертизасидан чуқур ўтказиш асосида унинг танловига эътибор қаратиш ҳамда молиялаштирилаётган лойиҳалар ҳаётий ва экспортбоп бўлиши лозим;

- қурилиш объектларида ишларни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида, тендер савдолари шартларида бош пудратчилар томонидан албатта қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг камида 50 %ини ўз кучи билан бажариш лозимлиги кўриб чиқилиши керак;

- бюджет маблағларидан кўзланган мақсадларда фойдаланиш оритдан назоратни кучайтириш ва уларнинг ижро самарадорлигини юксалтириш учун барча даражадаги бюджетларнинг инвестиция дастурларига нафақат қурилишларга ажратилаётган инвестицияларни, балки инвестиция мақсадларида бюджет кредитлари, субвенциялари ва субсидиялар тарзида фойдаланиладиган маблағларни ҳам киритиш зарур, шунингдек, бу каби дастурларга бир мунча катта ҳажмда кўчмас мулк харид қилиш бўйича ва бино ҳамда иншоотларни қайта тиклаш харажатлари киритилиши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2005 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1998. 24 декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвестициялар тўғрисида»ги Қонуни, 1998. 30 апрел.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш чора-тадбирлари ва унинг кафолатлари», тўғрисида»ги Қонуни, 1998. 30 апрел.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни, 1999. 14 апрел.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Инвестиция дастури тўғрисида” Қарори. 29.12.2010. 1455-сон. 1-илова.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, 2005. 11 апрел.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони, 2003. 6 май. 3240-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Инвестиция дастури тўғрисида”ги Қарори. 9 октябрь 2006 йил ПҚ-484-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони, 2003. 24 март. 3226-сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси: Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва

ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. “Халқ сўзи”, 2008 йил 9 феврал, 28-сон

13.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, 2003. 2 май.

14.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2003. 12 сентябр. 395-сон.

15.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори, 2003. 2 декабр. 538-сон. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 февралдаги 73-сонли қарорининг 2-иловасини 2.4. бандига, 08.09.2005 йил 206-сонли қарорини 1-иловасини 51.бандига, 15.11.2005й. 251-сон қарорининг 5-иловасини II-бўлимини 3.бандига асосан таҳрирга ўзгартиришлар киритилган.

16.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 декабрдаги 538-сон қарорига 7-илова. «Инвестиция лойиҳалари ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш ва тасдиқлаш тартиби тўғриси»да НИЗОМ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 22 февралдаги 73-сонли қарорининг 2-иловасини бандига асосан таҳрирга ўзгартиришлар киритилган.

17.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси: Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. “Халқ сўзи” газетаси, 2011. 22 январь, №10. 2-б.

18.Каримов И.А. Ўзбекистон - буюк келажак сари. - Т.: «Ўзбекистон», 1998. - 346 б.

19.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 22 мартда 681-сон билан давлат рўйхатига олинган ва Марказий банк Бошқаруви томонидан 1999 йил 20 февралда 294-сон билан тасдиқланган

«Инвестиция лойиҳаларини эркин алмаштириладиган валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом». Мазкур Низомга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 25.03.2004 йил 681-1-сон билан рўйхатга олинган қарорининг иловасига асосан таҳрирга ўзгартиришлар киритилган.

20. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19 май 2004 йил 1358-сон билан давлат рўйхатига олинган “Марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан “калити билан” шарти асосида объектлар қурилишини амалга ошираётган пудрат қурилиш ташкилотларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида”ги Низом.

21. «Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги Низом (янги таҳрирда). 2000. 29 июн. 953-сон.

22. Марказий банки Бошқаруви ва Молия вазирлиги томонидан 2005 йил 31 декабрдаги 273-В, III-сонли қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2006 йил 21 февралда 1548-сон билан давлат рўйхатига олинган «Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Тадбиркорбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низом. Мазкур Низом 2006 йил 3 мартдан кучга киритилган.

23. Ангелиди М.С., Каримов Н.Г. Инвестицияларни лойиҳавий молиялаштириш тизимида синдикат асосида кредитлаштириш (Саволлар ва жавоблар), Тошкент Молия институти, 2005. - 96 б.

24. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: «Молия», 2002.

25. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. - Т.: «Молия», 2000. - 312 б.

26. Бочаров В.В. Методы финансирования инвестиционной деятельности предприятий. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 160 с.;

27. Беренц В., Хавранек П.М. Руководство по оценке эффективности инвестиций: Пер. с англ. перераб. и дополн. Изд. - М.: АЗОТ «Интерэксперт», «ИНФРА-М», 1995. - 528 с.

28. Богатин Ю.В., Швандар В.А. Инвестиционный анализ. Учебное пособие для вузов - М.: «ЮНИТИ-ДАНА», 2000. - 286 с.

29. А.В. Вахабов, Ш.Х. Хажикакиев, Н.Г. Муминов. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. - Т.: Молия, 2010. 328 б.

30. Ваҳобов А., Жумаев Н., Бурханов У. Халқаро молия муносабатлари. -

Т.: «Шарқ», 2003. - 400 б.

31. Ваҳобов А., Жамолов Х. Согласование межбюджетных отношений. – Т.: ТФИ, 2002. – 238 с.

32. Ваҳобов А., Срожиддинова З. Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети. - Т.: ТМИ, 2002. - 115 б.

33. Волков И.М., Грачева М.В. Проектный анализ: Учебник для вузов. - М.: «Банки и биржи, ЮНИТИ», 1998. - 423 с.

34. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов. - М.: «Финансы и статистика», 2002. - 144 с.: ил.

35. Кольтынюк Б.А. Инвестиционное проектирование объектов социально-культурной среды: Учебник. - СПб.: Михайлова В.А. 2000. - 432 с.

36. Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. - Т.: Фан ва технология, 2007. 240 б.

37. Сергеев И.В., Веретенникова И.И. Организация и финансирование инвестиций. - М.: «Финансы и статистика», 2001. - 267.

38. Самарходжаев Б. Инвестиции в Республике Узбекистан. - Т.: Изд. «Академия», 2003. - 239 с.

39. Ҳайдаров Н. Молия. Т.: Академия, 2001. 72 б.

40. Игошин Н.В. Инвестиции. Организация управления и финансирование: Учебник для вузов. - М.: Финансы, ЮНИТИ, 2007. - 413 с.

41. Кузнецов Б.Т. Инвестиции: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по направлению подготовки «Экономика». -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2006. - 679 с.

42. Катасонов В. Ю., Морозов Д. С, Петров М.В. Под общей редакцией Катасонова В.Ю. Проектное финансирование: Мировой опыт и перспективы для России. -М.: "Анkil", 2001. - 312 с.

43. Нуриддинов С.А. Ўзбекистон иқтисодиётининг нодавлат секторида инвестицияларни молиялаш. Ўқув қўлланма. - Т.: ТМИ, 2000. - 56 б.

44. Просветов Г. И. ИНВЕСТИЦИИ: задачи и решения: Учебно-практическое пособие. -М.:«Альфа-Пресс», 2008. - 408 с.

45. Ромаш В. М., Шевчук В. И. Финансирование и кредитование инвестиций. Учеб. пос. - Минск: «КНИЖНИЙ ДОМ», 2004. - 160 с.

46.Ткаченко И.Ю. Инвестиции : учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений. И. Ю. Ткаченко, Н. И. Малых. -М.: Издательский центр «Академия», 2009. - 240 с.

47.Черняк И.З. Управление инвестиционным проектом в строительстве. - М.: Русская Деловая литература, 1998. - 800 с.

48.Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Т.: «Молия» нашриёти, 2003. 332 б.

49. Мазур И.И., Шапиро В.Д., Ольдерогге Н.Г. Управление проектами: Учеб. пос. для вузов. – М.: ЗАО “Экономика”. 2001. – С. 17.

50. Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Х. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия. 2007. 23-б.

51. Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. –Т.: Академия, 2002. – 204 б.

52. Эргашева Ш., Узоқов А. Инвестнцияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. - Т.: «Иқтисод-молия», 2008. - 208 б.

53.Жўраев А.С., Хўжамкулов Д.Ю., Маматов Б.С. Инвестиция лойиҳалари таҳлили: Олий ўқув муассасалари учун ўқув қўлланма - Т.: - «Шарқ», 2003. - 225 б.

54.Ғозибеков Д.Ғ., Сабиров О.Ш., Мўминов А.Г., Қулжонов О.М. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти. - Т.: Fan va texnologiya, 2004. 308 б.

55.Социально-экономическое показатели Республики Узбекистан за 2007-2010 г.г.

56.Интернет сайтлари: www.kapital.com/; www.fin.go.ca/; www.businesspress.ru/; www.referat.ru/; www.nbu.com/; <http://www.mf.uz/>; <http://www.cer.uz/>; <http://www.tfi.uz/>; <http://www.gov.uz/>.